

84.7p

780

Эрон  
Шоирлари

سخنوران  
معاصر ایران



اداره نشریات دولتی ادبیات بدیع  
تاشکند ازبکستان ۱۹۵۷



# Эрон Шоирлари



ЎзССР Давлат Бадий Адабиёт Нашриёти  
Тошкент — 1958

Тўпловчи  
**З. Ризаев**

\*

Фарс тилидан таржима

## СЎЗ БОШИ

Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқининг герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонган буюк ғалабаси, дунёдаги халқлар, айниқса, Шарқ халқлари миллий озодлик ҳаракатининг юксалишига имконият яратиб, мустамлакачилик системасининг кризисини янада кескинлаштирди. Мустамлака ва қарам мамлакат халқларининг империализмга қарши кураши янги ва яна ҳам юқори босқичга кўтарилди.

Ҳозирги замонда мустамлака халқларининг империализмга қарши курашида асосий хусусиятлардан бири — озодлик ҳаракатиға ишчилар синфининг раҳбарлик қилишидир.

„Урушдан кейинги даврдаги оламшумул тарихий воқиа, — дейилади КПСС XX съезди қарорларида, — империализм мустамлака системасининг емирилаётганлигидир. Сўнгги ўн йил давомида мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг миллий озодлик кураши катта ғалабаларға эришди: бир миллиард яқин юз миллиондан ошқ кishi — ер юзи аҳолисининг қарийб ярмиси мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан қутулди. Мустамлака системасини батамом тугатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Жаҳон тарихининг улуг Ленин олдиндан кўриб айтган янги даври, яъни Шарқ халқлари бутун дунё тақдирини ҳам қилишда актив иштирок қиладиган, халқаро муносабатларининг янги қудратли фактори бўлиб қоладиган даври бошланди.“

Хитой Халқ республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Демократик Вьетнам республикаларининг ташкил топиши бу мамлакат ва халқларнинг қапи-

тализм системасидан ажраб чиқиш самараси ўлароқ, фақат капиталистик эксплуатация доирасининг кескин то-райганлигини кўрсатиб қолмайди, балки, шу билан бирга, Осиё халқлари тарихида янги саҳифа очилди, барча мустамлака халқларига империализм тазйиқидан озод бўлиш йўлини кўрсатади. Бир вақтлар империализм зулми остида янграган, таҳқир этилган ожиз мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг онги уйғонди. Улар эндиликда ўз тақдирларини ўзлари белгилаш учун курашмоқдалар. Бу халқлар энди ўз кучи ва ғалабасига тўла ишонадилар. Шунинг учун ҳам улар империализмга қарши озодлик ҳаракатлари лагерига тобора кўпроқ жипс-лашмоқдалар. Шафқатсиз жазо ва таъқибларга қарамай, ҳамма ерда жуда кўп демократик ташкилотлар пайдо бўлмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Демократия ва социализм идеяси Осиё ва Африканинг кўп миллионли эзилган халқлари онгига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

Демократия билан реакция кучлари ўртасидаги бу кураш ҳозирги замон мустамлака ва қарам мамлакатлар адабиётида ҳам тўла-тўқис ўз ифодасини топмоқда.

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг реакцион таъсир доиралари террор, ўч олишлар билан ўз ихтиёрларида бўлган матбуат, радио, театр, кино ва бошқаларни ишга солиш билан, демократияга қарши идеологик кураш олиб бормоқдалар. Улар прогрессив фикр-ни бўғишга уринмоқдалар, ғайри илмий, реакцион ғоялар уругини сепмоқдалар. Бироқ, уларнинг бундай қутуришларига, ёвузларча олиб борган террорларига қарамай, прогрессив шоир ва ёзувчиларнинг америка-англия империалистлари ва уларнинг агентларига — ички реакционерларга қарши овози тобора очикроқ ва кучлироқ янграмоқда.

Ҳар бир халқнинг адабиёт тарихида нимаики улур ва яхши ёдгорлик мавжуд бўлса, у, халқ манфаатини кўзлаган ва ўз тақдирини халқ тақдири билан боғлай билган гуманист ёзувчилар томонидан яратилганлиги маълум.

Ҳозирги замон Эрон прогрессив адабиёти тўғрисида гапирганда ҳам, худди шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, асло хато қилмаган бўламиз.

Ҳозирги Эрон прогрессив ёзувчи ва шоирлари кенг халқ оммасининг демократик ҳуқуқлари учун, ўз мамлакатининг мустақиллиги учун англия-америка империалистларига қарши кураш байроғини ҳар қачонгидан

баландроқ кўтариб, ижод этаётирлар. Адабиёт хазина-сини нодир асарлар билан бойитиб бормоқдалар.

Илғор ишчилар, реакцион тузумни қаттиқ танқид қилиш билангина чекланиб қолмай, айти вақтда, ўзларининг ёрқин шеърлари билан кенг халқ оммасига оғир ва мудҳиш ҳаёт қоронғилигидан қутулиш йўллариини ҳам кўрсатиб бормоқдалар.

Маълумки, феодал синфнинг юқори табақалари манфаати учун хизмат қилган тушқунлик даври (XVI-XVIII-аср) поэзияси, асосан, қочиримлар, символлар, туманли аллегориялар поэзиясидан иборат бўлиб қолган эди. У, воқеликдан деярли узилиб қолган ва тор доирадаги кишиларнинггина мулки ҳисобланар эди, Россиядаги революцион воқиаларнинг кучли таъсири натижа-сида, Эронда 1909-1911 йиллар революцияси бўлиб ўтди. Бу, сўзсиз, эрон адабий ҳаётида ҳам муҳим бурилиш ясади.

Мамлакатда конституция жорий қилиниши билан туга-ган революцион давр, тараққийпарвар ёзувчиларга газе-та ва журнал саҳифаларида очиқ-ойдин чиқиш имко-ниятини берди.

Лохутий (1887-1957), Баҳор (1886-1951), Ориф (1882-1933), Ишқий (1894—1924) сингари ҳозирги замон воқе-лигини кескин танқид остига олувчи, тараққиёт ва маданиятга чақирувчи бир қанча ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди.

Эроннинг биринчи пролетар шоири Абулқосим Лоҳу-тий қўлига қурол олиб, Эронда демократия ва кон-ституция учун курашди. 1922 йилдан сўнг муҳожирлик-да Совет Иттифоқига келиб туриб қолган шоир, бунда иккинчи ватанини топди. Аммо Лохутий умрининг охири-гача ўз ватани, жафокаш халқини унутмади. Маркс-изм-ленинизм ғоялари билан қуролланган шоир ўзининг қудратли қалами билан эрон халқининг чет эл импери-ализмига қарши озодлик ва мустақиллик учун курашида актив иштирок этди.

Бу йилларда етишиб чиққан ёзувчилар орасида „Сури Исрофил“ журналининг ходими — Али Акбар Деҳ-худо ўз ижодиёти билан алоҳида ажралиб туради. У, тенги йўқ прозаик сифатидагина эмас, балки, талант-ли шоир сифатида ҳам машҳур эди. Унинг асарлари мам-лакатда юз бераётган воқиа-ҳодисаларга ўз вақтида билдирилган аниқ ва равшан жавоб сифатида жара-н-лайди. Деҳхудонинг фавқулодда жонли ва таъсирчан

тили, образлар яратишдаги изчиллик, ўзига хос ёзиш услуби ҳозирга қадар ҳам кўп ёзувчилар учун ибрат бўлиб хизмат қилади.

Эрон адабиёти тарихида революцион давр учун яна бир характерли хусусият, у ҳам бўлса, бу даврда журналистиканинг ўсиши билан, Эрон учун мутлақо янги бўлган — эски урф-одатлар устидан рўй-рост қулувчи сиёсий сатира жанри вужудга келди.

Бу даврда адабий тил халқ жонли тили ҳисобига бойиди. Поэзияда ҳам, прозада ҳам халқ жонли тилидан фойдаланиш тажрибаси ўзининг ижобий самараларини кўрсатди.

1905-1911 йиллар революцияси халқ орасидан чиққан талантларнинг рўёбга чиқишида ва адабиётнинг тематик кенгайишида гоят катта роль ўйнади. У эрон адабиётини қотиб қолган сарой назмчилигидан ва бир хил оҳангдаги сўфиёна мистик ғазалхонлик нуқтасидан олдинга жилдириб юборди.

Эрон прогрессив адабиётининг ривожланишидаги кейинги босқич эса, Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида, гафлат уйқусидан уйғонган эрон халқи миллий озодлик ҳаракатининг янгидан юксалиши билан изоҳланади.

1918-1921 йиллар миллий озодлик ҳаракати деярли бутун Эрон бўйлаб, хусусан, унинг шимолий районлари бўйлаб кенг қулоч ёяди.

Эрон Озарбайжонида ҳокимиятни идора қилиш демократлар қўлига ўтди. Ҳокимият бир неча ойгача шу демократлар қўлида бўлди. Гилан вилоятида партизанлар ҳаракати кучайди. 1920 йил июнида Решт шаҳрида Гилан республика ҳукумати тузилди. Бу ҳукумат 1921 йилнинг кузигача ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб турди. 1920 йил июнида Эрон Коммунистик партияси вужудга келди. 1921 йил май ойида эса, Эрон профсоюзларининг Марказий Совети ташкил этилди.

Бу эрон халқи тарихида кўрилмаган ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам у, фақат марказий газеталардагина эмас, балки, Эроннинг бутун вилоят газеталарида ҳам гоят қизғин нишонланди.

Эрон прогрессив адабиёти поэзия ва проза соҳасида талайгина ютуқларни қўлга киритди. Адабиёт янги мазмун билан бойиди.

Бу давр адабиётида Ирож Мирза (1874-1926) шеърлари катта муваффақият қозонди. У ўз асарларида

Эрон ижтимоий ҳаётидаги мавжуд ярамасликларни, барча яра ва иллатларни, алдамчилик, эгрилик ва диний жаҳолатни, хотин-қизлар тутқунлиги ва шунга ўхшаш хурофотларни алам билан тасвир этди.

Эрон прогрессив адабиётининг бу даврда кўзга кўринган намояндаларидан бири талантили шоир Мирзода Ишқийдир. У бутун борлиги билан мавжуд адолатсиз тузумга қарши ҳужум қилади. У ўз асарларида халқни маърифатли бўлишга, тараққийпарварликка чақиради.

Шоир Муҳаммад Фарруҳий ҳам (1888-1939) ўзининг ажойиб асарлари билан машҳур. У ўз шеърларида меҳнат аҳлини раҳмсиз равишда эксплуатация қилувчи ҳукмрон синф вакиллари қаттиқ танқид остига олади. У, ўз фаолиятини халқ оммасини менсимаганларга қарши, уни жабр-ситам бўйинтуруғига грифтор қилиш ва шахсий бойиш пайига тушган министрларга, Мажлис депутатларига қарши қаратади.

Бу даврда ўз асарларида Эрон кенг халқ оммасининг ҳуқуқсизлигини акс этдирган, мамлакат ижтимоий ҳаётидаги чиркинлик иллатларини фош этган Баҳор, Ориф, Парвин Эътисомий ва бошқа шу каби бир қатор шоирларнинг асарлари ҳам халқ орасида эътибор қозонди.

1918 йилдан 1921 йилгача ўтган вақт ичида Эрон прогрессив адабиётида янги шоир ва ёзувчилар етишиб чиқа бошлади. Булар ижтимоий муҳит воқиа-ҳодисаларига зўр эътибор билан назар ташлай бошладилар, замонасининг кўз ва қулоғи, жафокаш халқининг содиқ фарзандлари бўлишга интилдилар. Худди мана шу даврдан бошлаб, Эрон прогрессив адабиётининг келгуси истиқболига мустаҳкам пойдевор қурилди.

Реакцион ҳукмрон корчалонлар, англия империалистларининг очик-ошкора ёрдами ва сурбетларча қўллаб-қўлтиқлаши натижасида, мамлакатдаги халқ-озодлик ҳаракатини бостиришга муваффақ бўлдилар. Мамлакатда реакция авж олди, мустабид тузум бир қадар мустаҳкамланди.

Прогрессив адабиёт намояндаларидан айниқса қаттиқ ўч олинди.

Мавжуд ижтимоий ҳаётга норозилик изҳор этган шоир ва ёзувчилар полициянинг қабих усуллари билан ўлдирилди.

Бу ўринда очикдан-очик ёки яширин йўл билан ўлдирилган, жисмоний йўқ қилиш мақсадида, оби-ҳаво

апароти гоят оғир бўлган районларга бадарга қилинган демократик кайфиятдаги шоир ҳамда ёзувчилар ва маданий сиёсий арбоблардан жуда кўпини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Юқорида номи тилга олинган ёш ва талантли шоир Ишқий ўз асарларида ҳукмрон идора усулига қарши фикр айтганлиги ва халқни Эрон ҳаётини тубдан қайта қуришга чақирганлиги учун сотқин қотиллар томонидан, ўз уйида, пистолет билан отиб ўлдирилди. У Англия-Эрон шартномалари ва англия империализмининг мустанлакачилик сиёсатини, Техрон ҳукмдорларининг мунофиқлигини фош этганлиги учун ўлдирилди. Ишқий:

Хуррият шиоримиз бўлмас асло барқарор,  
Агар у ёзилмаса юрак қонила ҳар чоқ.  
Ишқий тили қизил деб, ажабланмангиз, зинҳор,  
У аслида қон билан йўғрилган қизил байроқ!

деб куйлади. Талантли шоир Муҳаммад Фарруҳийнинг қисмати ҳам жуда аяч ва фожиа бўлди. У реакция ва деспотизмга қарши шеърлар ёзгани учун турмада ўлдирилди. У то ўлимига қадар шеър ёзишни давом этдирди, ўз асарлари билан мамлакатдаги ҳукмдор тўдаларга қарши нафрат ва ғазаб ўқларини отди. Халқнинг оҳу зори, юрак дардини ифода этди. Ҳақ ва адолат талаб қилган кишиларнинг турмаларда ҳалок этилишига қарши қаттиқ норозилик билдирди.

Ҳайфким, ул мамлакатга, йўқ адолат заррача,  
Яхшилар олса мукофот: турма, сургун ҳам ўлим.

Бу даврда Эроннинг йирик сиёсий ва жамоат арбоби доктор Тоғи Эроний ҳам реакция қўлида қурбон бўлди. Эроний 1934 йилдан бошлаб Техрон шаҳрида „Дунё“ деган прогрессив журнал нашр қила бошлади. Эроний ўз журнаlining биринчи сонида унинг характери ҳақида маълумот бериб, бу журналда санъат асарлари илмий ва материалистик нуқтаи назардан туриб ёзилган ижтимоий темалардаги асарлар босилаётганини ёзган эди. Эроний ўзининг бир мақоласида: „Бутун дунё, жумладан, Эрон ҳам, кишилар буни хоҳлайдиларми, йўқми — барибир, диний ҳаракат ва ўзгариш жараёнидадир. Шундай экан, эски ақидалар тарафдорининг чираниб тирмашишлари беҳуда. Чунки улар тарихий тараққиёт ғилдирагини тўхтатиб қолишга қодир эмаслар“ деб кўрсатади.

Бу журнал прогрессив интеллигенциянинг ғоявий савиясини ўстиришда катта роль ўйнади.

Журнал нашр этилган биринчи кундан бошлаб, доктор Эронийга бошланган ҳужумни ажабланарли бир ҳол деб бўлмади.

Журнал фақат икки йилгина умр кўрди. Реакцион ҳукмдор тўдаларнинг буйруғи билан у 1937 йилда ёпилди. Доктор Эроний Коммунистик Ғояларни пропаганда қилувчи киши сифатида Техрон полициясининг сиёсий бўлими томонидан қамоққа олинди. Тескаричи жаллодлар Эрон халқининг бу ажойиб фарзандининг ҳаётига ҳам қасд қилдилар. Турмада унга, сунъий равишда, тиф касали юктириб ҳалок этдилар.

„Халқ“, „Ҳақиқат“, „Эрон иқтисоди“, „Меҳнат“, „Ўқ“ каби бир қанча тараққиёпарвар газета ва журналлар ҳукумат сиёсатини, англия империалистларининг Эрондаги бебошликларини танқид қилиб чиққанликлари учун ёзиб қўйилди. Уларнинг шоширлари эса жазоланди.

Бу вақтда матбуот эркинлигининг оёқ ости қилиниши, Эрон адабиётининг ривожланишига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Расмий газеталардан революцион тематика суриб чиқарилди. Унинг ўрнини, асосан, традицион темалар: одоб ва ахлоқ, мустабид режимни орсизларча мадҳ қилиш, ваъзхонлик темалари эгаллади. Миллий-озодлик ҳаракатининг самараси бўлган, эндигина тугилиб ўсаётган янги реалистик оқим куртаклари тамомилан бўғилди.

Эрон прогрессив адабиёти тараққиётининг навбатдаги янги босқичи эски идорачилик усулининг емирила бошлаган пайтидан бошланади.

1941 йил, яъни собиқ ҳукуматнинг фашист сиёсати барбод этилгандан сўнг ҳам, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирикроқ ўзгариш юз бермади. Бу ҳол албатта, аҳоли кенг табақаларининг норозилигига сабаб бўлмай қолмас эди. Эрон Ҳукумат Мажлисига эркин демократик сайловлар, ер ислоҳоти ўтказиш, миллий масалани ҳал қилиш, меҳнат ҳақида қатъий қонун қабул қилиш, ишсизликни тугатиш, маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари ва бошқа шу каби муҳим талаблар Эрон халқ жамоатчилиги ўртасида қизғин муҳокама қилиниб, оммавий тус олди. Икки қарама-қарши куч — демократия ва реакция кучлари ўртасида мurosасиз кураш авж олди. Америка-Англия империалистлари реакцияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турди.

Шунга қарамай, миллий-демократик ҳаракат ҳам бутун мамлакат бўйлаб ўсиб ва мустақамланиб борди. Миллий-демократик фронт, ишчилар синфи ва Эрон кенг меҳнаткашлар оммаси ички ва ташқи душманларга қарши курашни янада кучайтириб юборди.

Бу кураш адабиётда ҳам ўз ифодасини топди.

Декадентлашган адабиёт намояндалари эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя этди, Эрон демократик адабиёти эса, эзилган синфлар манфаатларини қўллаб, уларнинг яшаш шароитларини, эҳтиёж ва талабларини акс этдирди.

Маълумки, Эрон прогрессив шоирлари иккинчи жаҳон урушига қадар халқ озодлик курашининг алоҳида ҳолатларининггина акс этдириш билан чекланар эдилар. Улар фактларни ҳаққоний акс этдирар эдилару, лекин кенг умумлашмалар чиқариш даражасига кўтарила олмас эдилар. Улар ўз асарларида мавжуд воқеликни қаттиқ танқид қилар, аммо бу оғир аҳволдан, жаҳолат ва зулматдан халос бўлиш йўлларини кўрсатиб бера олмас эдилар. Миллий-озодлик курашлари тажрибаси билан қуролланган иккинчи жаҳон уруши даврининг илғор шоирлари эса, бир мунча масъулиятли вазифаларни, мураккаб проблемаларни ҳал қилишга киришдилар. Улар ўзларини халқ номидан сўзлашга ҳуқуқли деб ҳис эта бошладилар ва унинг тарихий тақдири ҳақида фикр юритишга интилдилар. Улар оддий кишиларнинг ролини миллий-демократик ҳаракатнинг етакчи кучи—ишчи синфининг ролини кўрсатиб берадиган реалистик асарлар ярата бошладилар. Бу асарларда йирик ижтимоий-сиёсий конфликтларни акс этдирдилар. Кенг халқ оммасига ички реакция ва ангаия, америка мустамлакачилари асоратидан қутулиш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Шу фактни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Эрон илғор шоирларининг ижодиётига Совет маданияти ғоят катта таъсир кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Эрон меҳнаткаш халқи совет халқи ва унинг маданияти билан, айниқса, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Эронга қўшни бўлган халқлари маданияти билан, уларнинг турмуш тараққиёти, фаровон ҳаёти билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлди.

Эроннинг тараққийпарвар жамоатчилиги рус классиклари ва совет даври адабиётига ғоят зўр қизиқиш билан қарай бошлади. 1941 йилдан то 1947 йилгача Эроннинг „Мардум“, „Раҳбар“, „Зафар“, „Рост“ ва

бошқа кўпгина прогрессив газеталарида рус классик адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган катта-катта мақолалар, шунингдек, ҳозирги замон совет ёзувчилари асарларидан намуналар босилиб турди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида эрон ва совет халқларининг маданий алоқаси тобора мустаҳкамлана борди. Ҳамма йирик шаҳарларда, шу жумладан Техронда Эрон-Совет Маданий Алоқалар Жамияти тузилди, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаси бўйича совет кишилари кўлга киритган зўр ютуқлар билан таништирувчи доимий фотовиставкалар ташкил қилинди. Виставкаларда совет жангчиларининг ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликларини ҳикоя қилувчи, фронт орқасида кўп миллионли совет гражданиннинг садоқат ва фидокорона меҳнатларидан дарак берувчи материаллар намоён қилинди.

Маданий алоқа қилиш жамияти ўз органи „Паёми нав“ журналига эга бўлиб, у Эрон китобхонларини рус классиклари ва совет адабиётчиларининг асарлари билан таништирди.

Бу жамиятнинг ташаббуси билан 1946 йил Техронда Эрон ёзувчиларининг биринчи съезди чақирилди. Съезда ийтаҳт ҳамда йирик вилоят марказларидан 75 вакил қатнашди.

Съезднинг вазифаси Эрон адабиётининг кейинги давр тараққиёт босқичини яқунлаш, унинг мавжуд ҳолатига баҳо бериш, шунингдек, олдинда турган муҳим вазифаларни белгилаб олиш эди. Мажлисга раислик қилувчи Маликушшуаро Баҳо ўзининг кириш нутқида Эрон-Совет Маданий Алоқалар Жамияти энг фаол ва эътиборли жамиятлардан биридир, деди. Бу жамият маданий, илмий ва ижтимоий масалалар соҳасида жуда катта ишлар қилди ва кўп фойдали ишлар қилмоқда. Эрон тарихида ҳалигача, деб таъкидлади нотик, бу мамлакатнинг шоир ва ёзувчилари бир жойга тўпланиб ўз олдидлариде турган вазифаларни ҳозирги каби муҳокама қила олган ва ҳал эта олган эмас.

Техрон университетининг профессори Фотима Сайёҳ ўзининг адабий танқиднинг роли ҳақида қилган докладида танқиднинг асосий турларига эътибор берди ва унинг етакчилик ролини уқдирди. Белинский ва Чернишевскийларнинг фаолиятига муфассал тўхтаб, уларнинг ижодиёти рус адабиётига қанчалик катта таъсир кўр-

сатганлигини айтди. У, Эрон танқидчиларини бу улуг кишилардан ибрат олишга чақирди.

Эрон илгор ёзувчиларининг совет маданий ҳаёти билан танишуви, уларни ўз халқи истиқболи учун курашган ёзувчи мумкин қадар, воқиликка, турмуш ҳақиқатларига яқин туриши керак, деган тўғри хулосага олиб келди: ёзувчи эскилик ва янгилик курашини оддий кузатувчиси эмас, балки, шу курашнинг бевосита манфаатдор иштирокчиси бўлиши ва ўз асарларида уни ҳаққоний акс этдириши керак, деган хулосага олиб келди.

Съезддан кейин тараққийпарвар газета ва журналларнинг саҳифаларида Эрон демократ шоирларининг шеърлари мунтазам равишда босила бошлади. Илгор шоирлар орасида ўзларининг юксак гоёли шеърлари билан Э. Табарий, М. Афрошта, Б. Жола ва бешқа кўп шоирлар алоҳида кўзга ташлава бошладилар.

Бу шоирларнинг шеърлари ўзининг эмоционаллиги билан бошқа шоирлардан ажралиб туради. Бу шоирлар ҳақиқатан ҳам ўз халқи бошидан кечираётган азоб-укубатлардан изтироб чекади, халқни курашга чақиради. Инсониятни қулфатга грифтор қилаётган гуруҳларни ғазаб билан фош этади.

Бу илгор шоирлар тематикаси ҳам ранг-баранг бўлиб, у, асосан, замонасининг энг муҳим масалаларини акс этдиради. Уларда Эрон меҳнаткашларининг ўз ёзувчиларига қарши курашга бирлашув зарурияти ҳақида, ишчиларнинг эксплуатация қилиниши ва деҳқонларнинг оғир аҳволи ҳақида, капиталист ва помещикларнинг дабдабали яшашлари ва бу яшашнинг ишчи ва деҳқонлар ҳисобига эканлиги, халқ партиясининг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўз боради. Сотқин реакцион депутатлар ва англия-америка империалистларининг кўпоровчилик фаолиятлари фош қилинади. Мажлисга ўтказиладиган сайлов системалари танқид қилинади ва бошқа шу каби замонавий муҳим масалалар кўтарилади. Деярли ҳамма демократик шоирлар меҳнаткашларни бирлашишга ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга чақирадилар.

Демократ шоирларнинг кўпчилиги, янги мазмунни ифодалашда, қадимий Шарқ поэзиясига хос бўлган формадан фойдаландилар. Аммо, уларнинг баъзи бирлари эса, шеър тузилишида янги форма ва композиция қидириб, новаторлик йўлидан бордилар.

Иккинчи жаҳон уруши даври ва айниқса жаҳон уруши тўхтагандан кейин сиёсий ва сатирик жанр кенг кўламда ривожланади.

Бу даврда кўпгина шоирлар, ўзларининг ғоявий юксак, бадиний пишиқ асарлари билан алоҳида кўзга ташланади.

Ана шундай шоирлардан бири Эҳсон Табарийдир. Унинг поэзияси актуал тема ва ўткир мазмунга эга. У, ишчи ва деҳқонларнинг машаққатли ва эрксиз қисмати ҳақида, ўз юртининг қоронғиликда хор-зор ва қашшоқ ҳолга тушганлиги, англия ва америка мустамлакачиларининг ғоратчилиги, реакцион тузумга қарши қаратилган халқ нафрати ва ҳоказолар тўғрисида ёзади. Халқни янги ҳаётга чақиради!

Эҳсон Табарий ижодиётига хос хусусият, унинг революцион-демократик йўналишда бўлишлигидир. У меҳнат кишинин, путури кетган капиталистик дунёни ўзгартирувчи куч сифатида куйлайди.

Эҳсон Табарий шеърларининг қимматли томони, уларнинг поэтик юксак бўлиши билан биргаликда, замонавий ҳозиржавоблигидир.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши вақтида америка империализми Эронга „ҳомийлик“ кўрсатиб, тобора кўпроқ тумшуқ суқа бошлади. Америка империалистлари, „ёрдам“ ниқоби остида, Эронни ўз қўлларига ола бошладилар. Эрон жандармерияси 1943 йилдан бошлаб америка „маслаҳатчилари“ ихтиёрига ўтган эди. АҚШ иқтисодий департаментининг маслаҳатчиси Мильспо 1943 йилда Эрон молия ишларининг генерал администратори лавозимига ўтирди. Унга Эронни америка мустамлакачилари сиртмоғига илинтириш учун Эрон миллий экономикасини издан тўдириш вазифаси топширилган эди. Мильспо бу вазифани асосан бажарди.

Америка империалистлари Эронни ўз мустамлакасига айлантириш ниятида, Эрон саноатини бутунлай аянчли аҳволга солиб қўйдилар. Мамлакат бозорлари американинг импорт товарлари билан тўлиб-тошганлиги сабабли, Эроннинг бир қанча саноат корхоналари синди. Айниқса, мингларча хусусий косиб ва ҳунармандлар аҳволи ғоят оғир тус олди. Кўчага улоқтирилган ишчилар, касодга учраган косиблар, ер-уловсиз деҳқонлар ишсизлар армияси сафини тобора кўпроқ тўлдирдилар. Эронда ишсизларнинг сони бир миллионга яқин кишини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда Эрон халқининг деярли бутун табақалари ўртасида Америкага қарши кайфият кучайган. Халқ, Америка Қўшма Штатларининг Эрон ва шунга ўхшаш кам тараққий этган мамлакатларнинг иқтисодидан, аҳолисидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун интилаётганлигини тушунмоқда.

Эрон халқи Американинг босқинчилик планларига очиқдан-очиқ қарши чиқмоқда. Софдиллик кишилар америка қурол-аслаҳаларининг Эронга олиб киритилишини, Совет Иттифоқига қарши тўғридан-тўғри ийвогарлик, деб қораламоқдалар ва қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар.

Эҳсон Табарий бу темада ўзининг „Симоб ранг тўлқинларда сузар кемалар“ деган шеърини ёзди.

Бу шеър Эҳсон Табарийга хос алоҳида услубда ёзилган. Эрон портига келаётган Америка кемаси, дейди у, ўз бортида эрон халқига порох ва қўргошинлар билан тўлдирилган снаряд ва патронлар олиб келмоқда — ажал олиб келмоқда!

Эҳсон Табарий, бадний тил воситаларидан усталик билан фойдаланган ҳолда, империалистик Американинг ниятларини фош этади. Гарчанд, биз шеърда „Америка“ деган сўзни учратмасак ҳам, лекин гап айнан Америка тўғрисида бораётганлигини, унинг „Илондай тўлганган олачипор байроғи“дан дарҳол пайқаб оламиз.

Америка ва Англия золимларига ва уларнинг малайларига қарши мардонавор курашаётган Эрон халқи бу курашда ўз ғалабасига ишонади. Бу ишонч шоир Эҳсон Табарий шеърларида ҳам ўзининг мукаммал бадний ифодасини топган.

„Қасам“, „Меҳргон қўшиғи“, „Халқ қаҳрамонлари қўшиғи“, „Суд“, „Қизил юлдуз“ ва бошқа шеърларида у халқни бирлашишга чақиради. Халқ бошига тушган барча кулфат ва уқубатларнинг айбдорларига қарши янада зўр қатъият билан курашиш учун уларга бу жабру жафо, азобу уқубатлар сирларини чуқурроқ тушунтиради.

Эҳсон Табарий бутун дунёда тинчлик ва демократия ғалабаси учун актив курашувчи ижтимоий арбоб ҳамдир. У ижодининг кейинги йилларида тинчликни ҳимоя қилиш темасига бағишланган қатор шеърлар ёзди.

Эрон демократик поэзиясининг отоқли намояндаларидан бири шоир ва ёзувчи Афроштадир. Ёзувчи икки

гилда — гилак ҳамда форс тилларида ёзади. Ўзининг мазмундор сатирик шеърларида реакцион тузумни заҳарли кулги остига олиб, қаттиқ танқид қилади. Унинг фавқуллоҳда жонли, аниқ ва содда тили уни прогрессив адабий ҳаракатчиликнинг кўзга кўринган вакилларида бири даражасига кўтарди.

Афроштанинг гилак тилида ёзган шеърлари Гилонда жуда кенг тарқалган. Эрон адабий арбобларининг айтишига кўра, унинг шеърлари „Гилак тилини жонлантириб юборган“.

Афрошта фақат талантли шоир ва ёзувчигина эмас, балки, ўқитувчи ва ҳайкалтарош ҳамдир. Чуқур ва кенг билимлар соҳиби бўлишига қарамай, бу ажойиб талант эгаси, ҳеч қандай имкониятга эга бўлмади. У ўз билимларини туғилиб ўсган мамлакатда ишга сола олмади. Бечорачилик билан ҳаёт кечирди. Шунинг учун ҳам ўзининг „Ўн тўрт йиллик пальто“ шеърда бир пальтонини ўн тўрт йил кийганидан шикоят қилиб, замонасидан нолийди. У путури кетган пальтосининг аянчли кўринишини тасвирлаб, пальтосига ялинади, ундан яна бир йил ўқилиб кетмаслигини илтимос қилади. Эҳтимол, янаги йилда бирор янги пальто сотиб олишга қурбим етар дейди.

Афрошта ижоди учун баланд парвоз гаплар, муаммолар, чалкаш сўз ўйинлари ётдир. Афроштанинг содда ва равшан, ихчам ва журъатли адабий услуби доимо унинг поэзиясидаги чуқур мазмун билан чамбарчас боғлиқдир.


Афрошта ўзининг „Хўжайин ва ишчи“ шеърда капиталист билан ишчи мусоҳабасини беради. Шеърда ёзувчи синфнинг туб моҳияти ҳар бир ўқувчига аниқ ва равшан бориб етади.

Шоир капиталистнинг ёвуз башарасини ва капиталистик система оламининг мудҳиш томонларини очиб беради.

Афрошта деҳқонларга бағишланган бир асарида деҳқонларнинг машаққатли оғир ҳаётини тасвир этади. Домештикни бутун бир қишлоқ ҳосилини еб, семираётган деб тўнгизга ўхшатади.

Шоирнинг „Қонқонга тушган шағол“ масали айниқ-қўшимдир. Афрошта бу шеърда бир томондан Эрон-иқуқсиз деҳқон оммасининг аянчли аҳволини кўришнинг иккинчи тарафдан деҳқонларни талаб, хонавайрон қилган барча текинхўрларнинг қонли қўлига

эн шоирлари



Лирик шоирнинг энг муҳим вазифаси — ўзи ҳис этган нарсани ўқувчига ҳам ҳис этдириш, унинг кўзи билан ҳаётга қарашга мажбур этиш, ўз фикр ва туйғуларини у билан баҳам кўришдир.

Мамлакатнинг озодлиги ва демократия учун курашувчилардан бири бўлган ёш шоира Жола ижодида биз худди ана шу хусусиятни кўрамиз. Жола — лирик шоира. Унинг лирик қаҳрамонлари — меҳнаткаш кишилардир. Унинг шеърларида ҳозирги замон Эронининг энг муҳим масалалари кўтарилади. У янги мазмунни ифода-лаш учун классик шеър вазнига тез-тез мурожаат қилиб туради. Асосан аса, у эркин шеър услубида ёзади. Жола шеърларидаги форма сиёсий жўшқинлик, лирик куч, фикрий етуклик билан ҳамоҳангдир.

Яшайман шунинг учун: халқимга бутун  
Ҳаётим мазмуни бағишлансин, деб.  
Курашу жангларда ўтсин бор умрим,  
Худди тонг, ҳаводек, худди қуёшдек,  
Бутун ер юзига берсин озодлик.

Совет адабиёти Жола учун ижодий ўрнак бўлиб хизмат қилди. У Эрон ёзувчиларининг биринчи съездига меҳмон бўлиб борган совет ёзувчилари билан яқиндан танишган эди. Бу съездга совет шоираси Вера Инбер ҳам борган эди. Съездда икки шоира бир-бири билан учрашадди. Жола бу учрашувдан гоёта таъсирланиб „Икки шоиранинг учрашуви“ деган шеърини ёзади. Жола ўзининг „Эрон“ сарлавҳали шеърида эрон халқининг оғир аҳволини тасвирлайди. Миллионларча оддий кишиларнинг фожиаи турмуши ва халқ бойлигининг империалистлар томонидан шилиб олинишини кўриб шоиранинг бағри қон, кўнгли вайрон бўлади. Ҳамма ерда хароба-лик, очлик, касаллик... Бу шеърнинг ҳар бир банди чиндан ҳам поэтик ҳаяжон ва сиёсий жўшқинлик билан тўлиб тошган. У ўқувчи тасаввурида узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Жола тинчлик ишининг актив курашчиси ҳамдир. У кейинги йилларда тинчлик темасига бағишланган бир-талай шеърлар ёзди.

Қўлингиздаги тўпламга яна бир қатор шоирларнинг асарлари ҳам киритилган. Буларнинг кўпчилиги, асосан, иккинчи жаҳон уруши даврида эрон прогрессив газета ва журналлари саҳифаларида босилган асарлари билан жамоатчиликка маълум бўлган авторлардир. Эрон прог-

рессив шоирларининг бу шеърлар тўплами шундан гувоҳлик берадики, эрон илғор шоирлари ўзларининг бутун талант кучини ишга солиб, ғоявий юксак асарлари билан ташқи ва ички душманларнинг қабиҳ кирдикорларини очиб ташламоқдалар ва халқни бирлашишга, мамлакатда янги, том маънодаги демократик тартиб ўрнатиш учун бир ёқадан бош чиқариб курашишга чақирмоқдалар.

Эрон ёш прогрессив адабиётининг, ижобий томонлари билан бирга, камчиликлари ҳам бордир. У ҳали традицион классик поэзия таъсиридан тамомила қутула олган эмас: Шоирлар ҳали ўзларининг юксак ғоя ва фикрларини жонли кишилар образида, халқ иши учун курашувчилар образида умумлаштириб бериш маҳоратини етарли даражада эгаллай олганларича йўқ. Шу вақтгача миллий демократик ҳаракатларни ўзида акс этдирувчи ва унинг куч, қудратини кўрсатувчи йирик асарларнинг яратилмай келаётганлигини ҳам худди мана шу билан изоҳлаш керак бўлади.

Эрон шоирлари олдида поэтик маҳоратнинг мана шу томонларини ҳам тўлиғича эгаллаб олиш вазифаси турибди. Шубҳа йўқки, Эрон прогрессив шоирлари бунинг ҳам, албатта, уддасидан чиқади

*З. Ризаев*



## *Маликушшаро Баҳор*

Ш И М О Л   Ф А Й З И

Техрон шимолидан, азамат Элбрусдан  
Ҳар кеча дилкушо майин шамол келур.

Бу хушбўй шамолдан жонга роҳат етгай,  
Кўнглимга ажиб бир ўзгача ҳол келур.

Хушбўй чечак, райхон, гуллари атридан  
Самум балосига маргу завол келур.

Ҳатто қоридан ҳам унинг шаҳримизга  
Чашма-чашма тиниқ оби зилол келур.

Бу кеча кўп шодман, чунки шимол ёқдан  
Бу дилкаш шамол энди бемалол келур.

Енгил эсиб Шимол томондан Жанубга  
Ҳол аҳли базимга олиб висол келур.

Ушбу жонбахш шамол билан бирга доим,  
Биз тарафга карвон-карвон камол келур.

Ҳеч кимга сир эмас, биз томонларга  
Шимолдан ҳамиша фйзу иқбол келур.

## Ў Р У Ш Б О Й Қ У Ш И

Йўқолсин чуғзи<sup>1</sup>-жанг, унинг қароси ҳам  
Узилса бўйни, ўчса шум садоси ҳам.

Узилса бўйни-ю қаноти қайрилиб,  
Оёғи синса, етса тез қазоси ҳам.

Айирди ошноларимдан мени,  
Жудо қилинса унинг ошноси ҳам.

Жаҳонда ҳеч кимса топмағай омон,  
Агар етишса бул уруш балоси ҳам.

Шароби — ишчи қонидан эрур унинг,  
Жафокаш устухонидир ғизоси ҳам.

Шиоридир жаҳонни айламак хароб,  
Ўлимга чорлагай ҳазин навоси ҳам.

Чалинса ҳар киши қулоғига агар,  
Кўнгилга хавф соладир нидоси ҳам.

---

<sup>1</sup> Чуғз — бойқуш.

Ваҳима солур у жаҳонга девдек,  
Юрарда титрагай еру самоси ҳам.

Кўнгил, чумоли қуршаган шакар каби,  
Эрур унинг асири, мубталоси ҳам.

Уруш шамоли қайси ерга эсмасин,  
Нафасни сиққуси унинг ҳавоси ҳам.

Урилса ҳарб довули жаҳонда гар,  
Безовта бўлғуси шоҳу гадоси ҳам.

Тегирмон тошидек айланур жаҳон  
Ва қон илан юрар бу осийси<sup>1</sup> ҳам.

Танки юрган ўтли тоққа ўхшагай,  
Қилур қулоқни гаранг садоси ҳам.

Келур мисоли аждаҳодек ўрмалаб,  
Кўнгилга заҳр солиш ихтисоси ҳам.

Ҳужум қилса кўкдан ул пўлат қуши,  
На шаҳри қолур омон, на биноси ҳам.

Ажал дўлини сочса у, дам ўтмайин,  
Бўлур хароб манзили-маъвоси ҳам.

Ўт очса оташин қурол-яроғлари,  
Бино бўлур қиёмат — ибтидоси ҳам.

Чиқар оташу ёнғину зилзила,  
Киши йиғи-сигиси, оҳу-воси ҳам.

---

<sup>1</sup> *Осий* — тегирмон.

Ваҳима солиб олам ичра шердек,  
Қаттиқ бўкурғуси „уруш худоси“ ҳам.

Шундай солур олам ичра гулгула,  
Титраб кетар чўлу дара, ваҳоси ҳам.

Уруш авозаси жаҳондадир вабо,  
Урушқоқлар йўқолса, шум даъвоси ҳам,

Кимики ёқса гар уруш алангасин,  
Онаси дев эрур унинг — отаси ҳам.

Урушдан алҳазар! Урушдан алҳазар!  
Ҳа, Аҳримандир унинг пешвоси ҳам.

Билурмисан, атомдан ишланур налар?  
Ажиб ишлар айлағай зиёси ҳам.

Баланд тоғ қулайди унинг яшинидан,  
Бузар бутун жаҳонни гулдуриси ҳам.

Унинг садоси етса қайси ерга агар,  
Бўлур ҳалок жонвору гиёси ҳам.

Бўлур мисли Лут дашти ҳар шаҳар  
Берилса бу қуроли билан жазоси ҳам.

Японга ташладилар икки бомбасин,  
Шу бирлан ўлди тескари асоси ҳам.

Жаҳаннам оташидек оғзидан унинг  
Дам урди, чиқди дўзах аждаҳоси ҳам.

Бу аждаҳо дамига кетди сўнг бари,  
Ҳашароту киши, қушу чорвоси ҳам.

Қирилди қуш каби аҳолиси унинг,  
Гўё келиб ажалу, вабоси ҳам.

Келурми яхши ният ила шарққа,  
У ғарб аҳлининг авлиёси ҳам.

Қозонни кўрса очиқ, урғуси ўзин,  
Мушукнинг бўлмас уят, ҳаёси ҳам.

Буларнинг олтину кумушгадир фақат —  
Муҳаббат иштиёқи, ихтироси ҳам.

Буларнинг оёғи қайси элга етса гар,  
Хароб бўлгани шудир, интиҳоси ҳам.

Қазир ўзига гўр, бўлса кимсанинг  
Дилида ғарбли ҳавоси ҳам.

Текинга бермагай булар ҳатто тийинни,  
Бўлур унинг кетида можароси ҳам.

Қаноат айла, бўлса нон емакка бас,  
Қўл урма, бўлсин ўзига тиллоси ҳам.

Мисоли қаҳрабо ўзига тортгуси  
Кейин сенинг зарингни кимёси ҳам.

Фирибу ҳийла қилгай, олма ёрдамин!  
Бирор балони бошлар илтимоси ҳам.

Тикилма содда кўз билан ғиносига<sup>1)</sup>  
Жафокаш ишчи ёшидур ғиноси ғам.

---

<sup>1</sup> Ғино — бойлик.

Сиймоси шумроқ эрур атосидан,  
Керак эмас, сиймоси ҳам, атоси ҳам.

Атоси ҳам палид эрур сиймосидек,  
Атосидек қабих эрур сиймоси ҳам.

Ҳаёт боғи гуллаб бўлса тинчлик,  
Тугар жаҳонда халқлар низоси ҳам.

Қани вафою ростгўйлик бўлиб,  
Муҳаббат бўлсаю унинг адоси ҳам.

Қани жаҳонда бўлса эди тенглик,  
Ширин ҳаёт кайфию сафоси ҳам.

Қани, у тинчлик чинни кабутари,  
Қани, унинг садойи дилрабоси ҳам.

Етишди вақти бошини кесиб агар  
Берилса ҳарб бойқушин сазоси ҳам.

Баҳор, табъим очилур баҳордек,  
Чалипса тинчлик куйи ҳавоси ҳам.

## БУЛОҚ ВА ТОШ

Оқиб тушар эди тоғдан бир булоқ,  
Йўлда у дуч келди бир харсангга ноқ.

Мулойимлик билан деди харсангга:  
„Яхши тош! Раҳм қил, йўл бергин манга?“

Оғир, кўнгли қора, боши қаттиқ тош  
Деди: „Кучинг мени қўзғатолса кош!

Бу ерга келтирди бир зўр сел мени,  
Жилмайман, нари тур, кўрмайин сени.“ —


У тошнинг ҳар ёнин жаҳл ила шу чоқ  
Кавламоққа қаттиқ киришди булоқ.

У жуда тиришди, кавлади, ўйди,  
Ўзига йўл очиб олға югурди...

Тиришса, ниятга етар ҳар киши,  
Етишгай ниятга, битар ҳар иши.

Шунинг-чун умид қил ва тер тўк, ишла,  
Билгил, бахт кўришмас умидсиз ила.

Агар қатъий турсанг битар ҳар юмуш,  
Осондир у чоғ — ҳар мушкул, ҳар иш.



## **Абулқосим Лоҳутий**

### **И Ш Ч И**

Омон бўл, зафар топ, эй меҳнат аҳли,  
Сенла фахрланса одамзод ҳақли!

Сендан эрур жаҳон ободонлиғи,  
Сендан эрур инсон фаровонлиғи.

Шоҳлар бойлиғи ҳам меҳнатингдандир,  
Аъён роҳати ҳам ҳимматингдандир.

Сен ишдан тўхтасанг агар иккчи кун  
Турмуш хароб бўлар, сўнар бус-бутун.

Одам сўзининг чин маъноси ишчи,  
Дунёда инсоннинг аълоси ишчи.

*1910 й. Техрон.*

## ҒАЛАБА СЕНИКИ

Занжирбанд этилган, эй қаҳрамон халқ,  
Кўрсатгин душманга енгилмас кучинг.

Вафонинг йўлида мустаҳкам туриб,  
Душманларни енгиб, ол ундан ўчинг.

Танингни қилсалар гарчи минг пора,  
Сен кулиб, пора қил ёвлар сийнасин!

Ғалаба сеники, ҳақ йўл сеники,  
Руҳинг шуълалари алангалансин!

## ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ТУНГИ ҲУЖУМИ

Вайрона бир қалъа, ҳоли бир қўрғон,  
Қўриқларди уни бир неча ўғлон.  
Қуёш иссиғидан қайнар қозондек,  
Гўёки ҳарорат ўраб олгандек.  
Атрофдан алоқа узилган эди,  
Отлар ишдан чиққан, чўзилган эди...  
Қаҳрамон жангчилар уйқусиз толган,  
Баъзилари оғриб йиқилиб қолган...  
Яқинлашиб келар душман рўбару,  
Булар озодлик дер, эркин бўғар у.  
Уларга буйруқни берган инглис,  
Истиқлолфурушу хоин сотқин-пес.  
Жангчилар истиқлол, адолатпарвар,  
Эроннинг истиқлол ва бахтин сўзлар.  
Аммо булар камдир жангда, майдонда,  
Ўн ҳисса ортиқдир душманлар сонда.  
Оғир бўлса ҳамки, келтирдилар тоб,  
Озиқ-овқатсиз ҳоллари ҳароб.  
Зарурди ўқ-дори уларга шу он,  
Жиддийлашиб борар вазият ҳамон.  
Кутарди жангчилар „Ота“ фармонин,  
Аямасдилар ундан ҳаттоки жонин.  
Локин „Ота“ дейилса ҳам, ўзи жуда ёш,

Хурмат этардилр уни — кекса-ён.  
Қайда хавф бўлса, у шу ерда тайёр,  
Ўзин ўйламасди, ўзгаларга ёр.  
Ота узоқ чизди жанг режасини,  
Сўнгра, айтмоқ бўлди андишасини:  
Ўтган саркардалар руҳи қўлласин,  
Улар жангда бизга зўр ҳамроҳ бўлсин!

Янги парвоз қилган бир бола чумчуқ,  
Дунёда кўрмаган на аччиқ-чучук,  
Девор панасида ётарди шу он,  
Гўёки йўқ эди вужудида жон.  
Очлик, ташналиқдан эди нотавон,  
Баҳодирлар берди унга сув ва дон.  
Чумчуққа жон битди янгидан шу чоқ,  
Жангчиларга бўлди қадирдон ўртоқ.  
Улар боғладилар чумчуқчага дил,  
Қариндошлар каби бўлдилар аҳил.  
Жангчилар кифтига қўнарни чумчуқ,  
Қулоқлар тагида сайради „чирқ-чирқ.“  
Қанотларин қоқиб дерди дўстларга:  
Тез кунда учамиз бу ердан бирга!

Бир кун чумчуқча қилганда парвоз,  
Уни ортдан қувди осмонда бир боз.  
Боз қўлидан ўлим топмасди омон,  
Бечора чумчуқча ҳовучлаган жон,  
Телбадек қочарди бознинг дастидан,  
Ўзига жой топди бўғот остидан.  
Жангчилар суронин эшитган замон,  
Қонхўр боз қочганди бир бошқа томон.  
Чумчуқнинг писганин кўриб бир илон,  
Торта бошлаганди дамига шу он.  
Тешикдан кўринди илоннинг тани,  
Ўққа дув тутдилар жангчилар уни.

Парчин бўлиб ерга йиқилди илон,  
Йиқилган ҳамоно таслим қилди жон.  
Илоннинг оғзида чумчуқ бор-тирик,  
Қарангки, чумчуқда қанақа мардлик.  
Тумшуги ва бўйни, кўзи, сийнаси,  
Қисқаси саломат эди ҳаммаси.  
Илоннинг оғзида қолибди ҳаёт,  
Ювиб тарадилар,

ҳамма бўлди шод.

Илонни эдилар, бўлди ҳоку-по,  
Ва кулиб дедилар: битсин аждаҳо!  
Душман қўлига биз дўстни бермаймиз,  
Паст инсон олдида бўйин эгмаймиз!  
„Чирқ-чирқ“лаб чумчуқча учиб ҳар томон,  
Шодлигин қиларди ҳаммага баён.  
Шу пайтда ота ҳам берганди фармон.  
Жангчиларни йиғди у кулиб шодон—  
Деди: биродарлар, бу ёш чумчуқча  
Ғалаба йўлини ўргатди анча.  
Вазият бўлса ҳам оғир ҳар чунон,  
Ноумид бўлмасин инсон ҳеч қачон.  
Сиз ва биз — илоннинг оғзида шу дам,  
Фаҳм, журъатлигимиз; биз ундан бардам!  
Дўстлар, қани келинг, бирликда барча,  
Душманга этайлик бир қоили кеча!..  
Бу оғулар бўлсин шакар ва асал,  
Оби ҳаётдан ҳам бўлсин у афзал.  
„Ура!“ қичқириғи юксалиб баланд,  
Қирқ йигит оғзидан чиққанди бирдан.  
Милтиқлар шайланди, ўқлар олинди,  
Сувдонларга тўла сувлар солинди.  
Бир-бир текширилди юган, узанги,  
Бари тозаланди қолмади занги.  
Жангга тайёрланди хурсанд, шод бари,  
Қичқиришар: олға, олға, жанг сари!

Душман дили каби тун энди сиёх,  
Осмонда кўринмас на юлдуз, на моҳ.  
Тинчлик ҳоким эди бутун атрофда,  
Жангчилар дилидан гўё шу тобда  
Чиққандек туйилар фақат бир садо:  
Қачон биз бу ердан чиқамиз, худо!?  
Тоқатлар тоқ бўлди, интизорда жон,  
Ғалаба кўринар муқаррар аён!  
Отлар туёғига қоқилган наMAT,  
Кўр каби жангчилар ҳис билан фақат  
Сезарди борлиқни кутишиб фармон,  
Темирдай ирода, мустаҳкам қолқон.

Тўлқинга отилган улкан бир китдек,  
Булутлардан баланд учган бургутдек,  
Ёрдилар душманининг қалин, зич сафин,  
Аямай қирдилар бериб адабин.  
Чақмоқдек чиқдилар ёв ҳалқасидан,  
Ботирлар қувдилар ёв орқасидан.  
Тонгда етди тоққа ҳар иккаласи:  
Жангчилар сафи-ю, қуёш шуъласи.  
Тоғ устида қайнар сонсиз булоқлар,  
Ҳамма ёқда кўм-кўк майса ўтлоқлар.  
Улар озод бўлди илон комидан  
Бағри қора ёвнинг қурган домидан.  
Янги-янги зафар, шон-шараф учун,  
Сафарбар этдилар улар бор кучин.  
Зўр навозиш билан мардлар хушлашди,  
Бир-бирларин маҳкам қўлин ушлашди.  
Раҳбарни ҳам тоғ сари учирдилар,  
Эрк лаззатин унга ҳам ичирдилар.

## У Ч Т О М Ч И

(Максим Горькийга ҳадя)

Уч томчи баҳсини айтганди устод,  
Менга бу масалча бўлиб қолди ёд;  
Энг биринчи томчи — тиниқ ва равshan  
Айтибди: — Ҳаммадан юқори роқман.  
Шаклим юлдуз каби — бу бир ишора,  
Иззату мартабам ортар тобора.  
Мен жуда чиройли, пок ва соф юзим,  
Содда бўёвсизман, гўзалман ўзим.  
Қуруқда ва сувда — бутун жаҳонда,  
Нима нарсa бўлса ерда, осмонда,  
Улар бунёдига мен ҳам шерикман,  
Ижоддир шиорим, токи тирикман,  
Гавҳардан ҳам асл бир жавоҳирман,  
Ишчи манглайида пешона терман.

\* \* \*

Одоб билан деди қип-қизил томчи:  
— Ҳақу ростликдандир сўзингнинг кучи!  
Аммо, билгил, менинг олийдир турим,  
Баландир — шарафим, шоним ва ўрним.  
Лаъл ила ёқутнинг баҳоси баланд,  
Чунки, ранги менинг рангимга монанд.  
Қизил юз — ҳар доим зафардан нишон,  
Бу гап эскидан бор, бу гапга ишон!

Жаҳоннинг ҳуснига эрта тонг шафа қ  
Қип-қизил ранг билан беради равақ.  
Бутун оламда бу сўзим аниқдир,  
Қизил гулнинг ҳусни ўтдек ёниқдир.  
Мен шундай томчики, қалбим олови  
Ёндирар зулмнинг жирканч яловин.  
Ишчилар устидан текинхўр ҳайвон  
Ҳокимлик қилганин кўрганим ҳамон;  
Фашизм қучлари социализмга  
Қарши тайёrlаниб, ўтса ҳужумга,  
Кўзимдан ўт чақнаб, ўйнаб кетаман,  
Ишчи томирида қайнаб кетаман.  
Мардона бошлайман исёну юруш,  
Ўз эгам танида мен ураман жўш.  
У ҳужум бошлайди қаро зулмга,  
Зулмларни қилар маҳкум ўлимга:  
Қисқаси, Ўстибод асоратидан  
Сени қутқармасам касофатидан,  
Сен асирликда қоласан, синглим,  
Ҳам фақирликда қоласан, синглим.  
Ғайратимдан ситам бўлади барбод,  
Қайнашимдан меҳнат бўлади обод.  
Менинг зўрим билан шодмон бўлур —  
Меҳнатқаш эркину давлатманд бўлур.  
Оташу найзаман, офтобдирман,  
Элга эрк берувчи инқилобдирман!  
Халқни етказурман ғалаба томон,  
Мен меҳнат аҳлининг томирида қон!

\* \* \*

Қаро томчи тинглаб дўстлар сўзини,  
Маъқуллағач, таъриф этди ўзини:  
Сўзингиз батамом тўғридир, бешак,  
Ассосиздир буни биз инкор қилсак.  
Аммо мен ҳам сиздек соҳиби ҳунар.

Балки, сиздан кўпрак манфаат унёр.  
„Албатта, ёмонлик белгиси қаро“. —  
Деб фикр юргизмак, тўғримас асло.  
Қаро ранг мақталмиш неча, неча бор,  
Қарода гап кўндир, унда кўп сир бор.  
Ою қуёш, юлдуз чиқар қаердан?  
Қаро тун қўйнидан чиқади бирдан.  
Мендан кескир қилич йўқдир жаҳонда,  
Мендан тезроқ чақин йўқдир осмонда.  
Кучим мушукни шер қилишга қодир,  
Чолу мажруҳ—бўлур ёшу баҳодир.  
Хоҳласам, бир зумда йиғлайди жаҳон,  
Ё кулиб юборар йиғлаган инсон.  
Лашкарлар зафари менинг қўлимда,  
Юрт фойда-зарари менинг қўлимда.  
Агар тиг кўтарса, ҳаммага маълум,  
Оловдан ҳам асар қолдирмас ўлим,  
Аммо менинг ўзим бўлсам-да нобуд,  
Асарим дунёда абадий мавжуд.  
Нима қурол борки, барчаси тайин,  
Бекор қолур исён, курашдан кейин.  
Тўкилган қонлару тўкилган терлар  
Ювилиб, пок бўлур паст-баланд ерлар  
Аммо бўлмас менинг майдоним ҳеч танг,  
Мендан оташ олар инқилобу жанг.  
Қалам—шамширимдир, варақ—майдоним,  
Халқим хизматида тигу жавлоним.  
Гарчи, эй соф томчи, ҳунаринг кўпдир,  
Ишчи ишлаганда унаринг кўпдир.  
Ўз васфингда сўзлаб, дур сочдинг хушвақт,  
Нимаки айтибсан!—ҳаммаси ҳам ҳақ.  
Ойдек юзларингга фидо бўлсин жон,  
Синглинг сўзларин ҳам эшит, қатраҳон,  
Қул ишчи ҳар ерда жиққа тер тўкар,  
Оғир меҳнат қилар, заҳматда чўкар.

Аммо фойдасиздир, не қилса ижод,  
Ўзгалар бойиру, у бўлар барбод.  
Қаламни кўтариб туғён қилмасам,  
Бу қиссани аниқ баён қилмасам,  
Мен йўлга солмасам бутун жаҳонни,  
Ажратиб бермасам дўсту душмани,  
Тўкилган терларни учирай ел — бод,  
Неча кун сўнг уни ҳеч ким қилмас ёд.  
Сен ҳам, эй шарафли гулгун қатражон,  
Тоғлар беазаги лаъл, қизил синглим, қон.  
Сенинг сўзларингни ким қилур инкор,  
Сени мақтамоққа нима хожа бор?!  
Қип-қизил юзингдир — инқилоб ранги,  
Қалбинг гувоҳидир — кўнглинг жаранги.  
Сен зафар шуъласи, аммо мендан ҳам  
Бир неча сўз эшит, эй гўзал санам:  
Золимларга қарши чиққан қанча эр,  
Ишчи-ю деҳқондан қанча қайтмас шер,  
Қанча ёш, эр, аёл, қанча қаҳрамон  
Қонига беланиб бўлдилар қурбон.  
Агар бу ишларни мен тутсам пинҳон,  
Баридан хабардор бўлмаса жаҳон,  
Ҳаммасин фош этиб, қилмасам расво,  
Оламга солмасам шўришу ғавғо,  
Барчадан яширин қолур бу аҳвол,  
Шарафли тўкилган қон бўлур паймол.  
Меҳнаткашга мендан келур ҳар вақти  
Кураш режаси-ю ғалаба бахти.  
Менинг таъсириمدан қайнаб кетар қон.  
Мен билан ўз ақли топади инсон.  
Сўнг ситамга қарши кўтариб исён,  
Зулм занжирларин қилади яксон.  
Мен меҳнат аҳлининг қўшинидирман,  
Ишчи-ю деҳқоннинг ҳужумидирман.  
Даъвоман, ҳужжатман, мунозараман.

Гувоҳман, фатвоман, музокараман.  
Ҳомийман, посбонман, мудофааман.  
Ноламан, шикоят, муҳорибаман.  
Шунча нарса билан тўлиқдир жомим,  
Шунинг-чун мураккаб\* – сиёҳдир номим.  
Сизнинг сафингизда турмоқлик учун.  
Бирга коммунизм қурмоқлик учун.  
Мени ишга солди соҳиби қалам,  
Кураш майдонида учов бўлди жам.  
Сиз-у мен — учимиз турсак ёнма-ён,  
Ҳар қандай жабҳада зафар бегумон.

1932 йил

„Мураккаб“ сўзининг ўз [маъносидан] [ташқари] форсчада ҳам мураккаб, дейдилар. Шоир бунда сўз уйини қилган).

## ЭШАК ЎШАЮ, ТЎҚИМИ ЯНГИ

Қашшоқ камбағалнинг бисотида бир  
Эшаги бор эди — қари ва яғир.  
Гузардан ўтаркан ҳар тонг етаклаб,  
Бир баққол куларди эшакка қараб:  
„О, бундай эшакни кўрганмисан ҳеч?  
Қобирғалар қатор, қулоқлар қилич!  
Агар пуф десангиз, ишлари тамом,  
Бунга арпа эмас, тикан ҳам ҳаром!“—  
Бир бой эшитдики, бу эшак арзон,  
Хатарсиз, зарарсиз ва роҳати жон.  
Тепмас, йўлдан чиқмас, ҳатто, ҳанграмас,  
Ўйнақлаш, дириглаш нима — англамас.  
Бу сифатлар унга кўп ёқиб қолди,  
Харидор бўлди-ю тез сотиб олди.  
Устига ташлади бахмалдан тўқим,  
Эгар-жабдуқларин бари зару сим.  
Эшакни бу ҳолда кўраркан баққол,  
Мадҳ ўқиб, олдига югурди дарҳол:  
„Сендан узоқ бўлсин ёмон кўз, бало,  
Ёшлик куч-қувватинг кетмасин асло!  
Дунёда жуда кам — бу ҳайвон зоти,  
Бу оддий эшакмас, Рустамнинг оти!..“—

Шу мадаа эшакнинг собиқ эгаси  
Баққол сўзларидан қотиб энсаси  
Деди: — Сен кўрмисан, жинни, ё бағи?  
Эшак ўша эшак, тўқими янги

1930 й.

\* \* \*

Муҳаббат оташи қилди қабоб оҳиста-оҳиста,  
Раҳм қил, соқи, менга тут шароб оҳиста-оҳиста.

Уни кўрмак билан, фаттон кўзидек маст бўлиб қолдим,  
Эсимдан ҳам чиқибдир маййи ноб оҳиста-оҳиста.

Сўроқлаб ёрни ҳар ёқдан, бўғилди, хаста овозим,  
Мени афв эт агар айтсам жавоб оҳиста-оҳиста.

Кўзига айтки, дилни қилса бўлгай ғамдан озодким:  
Бу дунёда кўринди инқилоб оҳиста-оҳиста.

Сабо очди юзидан пардасин ушбу шабистонда,  
Уялган ойни беркитди саҳоб оҳиста-оҳиста.

Қўйиб кўксига бошимни, навозишлар қилар гўё,  
Ва лекин бўйнима ташлар таноб оҳиста-оҳиста.

Мени кетказма олдингдан, берай жонимни хотиржам,  
Кетиб ўлсам, дилим қуршар азоб оҳиста-оҳиста.

Дилим тангдир, кел эй мутриб, тилингга мен бўлай  
қурбон,  
Ғазал айтиб, чалиб бергил рубоб оҳиста-оҳиста.

1939

\* \* \*

Дилдағам йўқ, чунки жаноним менин  
Дилга ўхшаш биргадир жисмимаро.  
Ўйнашурман сочи бирла, сол назар,  
Журъатимга офарин, э ошно.  
Ёнида боғ ичра сайр этсам агар,  
Гул олур хушбўй мендан доимо.  
Шул сабаб оқ дил бўлибман унга мен,  
Тонг каби оппоқ сочимда йўқ қаро.  
Мен усиз боқсам бировлар ҳуснига,  
Кўрмасин шодлик юзин кўз мутлақо.

\* \* \*

Куяр ишқингда жоним, куйгуси ҳамхона ҳам мендан,  
Қочар кўнглим ўтидан хавф этиб парвона ҳам мендан.

Фироқинг дардида, эй гул бадан, мен нола айлармен,  
Узоқликда қолибдур булбули мастона ҳам мендан.

Бу ошиқликда бўлдим мен бутун эл-юртаро расво,  
Қочиш истайди кўнглим, телба бу девона ҳам—мендан.

Вафодорликда қандай имтиҳон бердим, назар қилгил  
Ки лутфи-ла ҳимоят айлагай бегона ҳам мендан.

Шу тонг ҳамдам бўлиб мен, булбулу парвона бир  
жойда,

Меҳрсиз ёрдан сўзлаб, учов ҳамхона бир жойда.

Куяр парвона, булбул нолада, мен бўлса йиғлардим,  
Шу ҳолатда тамошо бўлди уч девона бир жойда...

Йиғию сидқу ҳам куймак билан, ўз ёрин ишқида,  
Бўлиб парвона, булбул бирла мен афсона бир жойда.

Дилим қайсар, чапантахлит, уни ортиқча ранжитма,  
Хаёлингдан бўлакла бўлмағай ҳамхона бир жойда.

Кўринмасман рақиб хавфи билан, мендан гумон этма,  
Мени бегона ёр-ла кўрсанг, эй жонона, бир жойда,

Дилимда борини ишқингда сўзларман, шунинг-чун ҳам,  
На бўлғай бўлсак озод иккимиз шодона бир жойда?

Сенинг ишқингда содиқман, йўқ эрса имтиҳон қилгил.  
Қилай бош бирла жонимни фидо мардона бир жойда.

Баҳор фасли гулистонлар аро бор орзу менда,  
Пиёла май билан, бўлсак ману жонона бир жойда.

Ҳама сиримни ёримга бориб айтибди, Лоҳутий,  
Бу девона кўнгил-ла энди мен бегона бир жойда.



**Ориф Қазвиний**

РЕСПУБЛИКА ҒАЗАЛИ

Зулмлар манбандан келди элга бу жафо кулфат,  
На бўлса бўлсин урдик теша бу илдизга, йўқ тоқат.

Бу нотўғри қурилган уйки, пойдевори сув узра,  
Буни тиклашлик элга фойда бермас, келтирур ҳасрат.

Фаридун, Кайқубодга ким бу мулкни хат қилиб  
бермиш,  
Ҳамиша мамлакатнинг соҳиби албатта халқ, миллат.

Дема, Жамшиднинг мулки! Ўзи ким эрди, на қилди?  
Каёнийлар қачон олди-ю, ким берди, қани ҳужжат?

Ғазаб бирлан қасос олди темирчи Кова Заҳҳокдан,  
У бўлди мамлакатнинг қаҳрамони, топди кўп шуҳрат.

Пачақлангай эди Хисрав боши бўлса агар бул кун,  
У Фарҳод тешасида парчалангай тоғ каби, албат.

Келур бирлик-ла, эркинлик-ла фармон энди даврондан,  
Бўлур қутлуғ бу фармон орқали элга ҳаёт, роҳат.

Ўтиб Қожор даври, бўлди байрам, эмди бундан сўнг,  
Бўлур бу мамлакатда яхши байрамлар, гўзал фурсат.

Тикилган эрди Оврупо шаҳаншоҳ келтиролмаи тоб,  
Қиморга тикди тожу тахтини бой берди у соат.

Хароб бу мулкимуз вайронлигига ул сабаб бўлди,  
Бўлур бундан сўнг обод, яшнаб ўсгай шод бу миллат.

Кимики сайланиб жумҳуриятга<sup>1</sup> бош раис бўлса,  
Баҳодир мард бўлсин, халқпарвар ҳам баланд ҳиммат.

---

<sup>1</sup> Жумҳурият — Республика

## МАЗЛУМНИНГ НОЛА САДОСИ

Сен ўзинг бўл додгар, гар раҳм додгар қилмагай.  
Дил не истар — сен ўзинг қил, додгар гар қилмагай.  
Чекса мазлум минг садойи нолалар, тортиб фиғон,  
Эритар тошни ва лек золимга асар қилмагай.  
Сол назар Эрон сари—бу англизлар зулм этар,  
Дунёга ҳеч ким булардек кўп зулмлар қилмагай.  
Етди Ислом оламига англиздан кўп зарар,  
Бола, чумчуқ боласига бунча зарар қилмагай.  
Куч билан сен тортиб ол бойлар қўлидан зарни,  
Зар-ла у хоин кишини сенга раҳбар қилмагай.  
Кимни халқ айлар вакил,—унни министр қилсалар, —  
У бериб хонига қўл, шумликни бадтар қилмагай.  
Хоину сотқин иши доим хиёнатдир фақат;  
Дорга осилгач, бу ишни сўнг у хумпар қилмагай.  
Кимки бўлса ажнабийларга тарафдору шерик,  
Ҳеч қачон у халқ учун, ўзни сафарбар қилмагай.  
Кошки, сайловлар чоғи элни хароб қилгучи ул—  
Бешараф арбобга халқ ёрдам муқаррар қилмагай.  
Бил буниким, ерни ҳайдаб, тер тўкиб, сув ўрнига  
Оқмаса қонлар, бу элнинг боғи самар қилмагай.  
Не йўсин, Ориф эзилганлар тарафдори эрур?  
Чунки, мазлум ўз ёвдин ёр-биродар қилмагай!

## ҚУШ НОЛАСИ

Қуш қафасда нола айлар, мақсади, дарди—ватан,  
Худди юртимдай унинг ҳам юртидир қафасга банд.  
Тонг шамолидан сўрайман, ҳолими этсин хабар  
Дўстимга, маскани гулгул чаман, эркин чаман.  
Эй менинг озод юрувчи дўстларим, юртдошларим,  
Пухта ўйланг, фикр қилинг, акс ҳол бўлурсиз худди ман  
Қайси уйким ажнабийлар қўлида ободдир,  
Аслида вайронадир у, бўлса ҳам байтул ҳазан.  
Гар ватан йўлида қон бирла ювилмас кийимнинг,  
У кийим қисқа ва тор, сен уни йирт мисли кафан.  
Биз Сулаймон деб бировни сайладик юрт устига,  
Халқ уни билди бугун—аслида эркан Аҳриман.  
Биз туфайли ҳама бойлар худди Хисрав каби шод,  
Меҳнат аҳлини устига ранжу алам тоғ-тоғ экан.

## ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР

Сиз менга айтингиз, бир тўда жаноб,  
Бу юрт хомиси ким? Берингиз жавоб!?  
Ўз-ўзини севган зотлар, айтингким:  
Бу харобларнинг айибдори ким?  
Шунча йиллар ўтди, нега биз ҳамон  
Фақирмиз, ночормиз, киру бедармон?  
Кўзлар кўр, йўллар берк, тун-кун машаққат,  
Ҳўкиздай боғлиқда турамиз фақат!  
Бизнинг жангу ғавго қолади шу ҳол,  
Ўзгармаса заррача бизларнинг аҳвол?  
Ғофилмиз, бошларда синади калтак,  
Бир тўп жоҳил бизни савалар бирдак!..  
Аҳриман қўлида нифоқ ўроғи,  
У урар гарданга истаган чоғи?  
Бир-биримизга биз илон каби ёв,  
Ожизмиз, бахт йўлини тўсгандир алдов!  
Биров додлар солим у қавмлардан,  
Биров эса йиғлар у авомлардан?  
Тутиб йиғи ва шубҳа, вас-вас йўлини,  
Бири халқни оздирар тутиб қўлини!  
Бири халқни қўядир хўп калакага,  
Нафсин ўйлар, иши йўқ эл, ўлкага!  
Улардан шармни тополмас инсон,  
Қийналар кўрганда уларни виждон!..

Бу можаролардан эзилади дил,  
Ўйласанг буларни, оҳ, ғам қандай зил!  
Бирин ранги қизил, бирин заъфарон,  
Бири ширин сўз, бирин тили ёмон.  
Лекин ҳаммангиз ҳам битта тулроқдан,  
Ҳаммангиз тўқилган битта арқоқдан!





### *Мирзода Ишқий*

#### КЎНГИЛ ОРЗУСИ

Менга тоабад гар умр берсалар,  
Шоҳликнинг тожини кийдирсалар,  
Шу он бўлса ҳукмимда мамлакатлар,  
Менинг буйруғимни кутса лашкарлар,  
Мени тахти-зарринга ўтқизсалар,  
Чиройли сарой берсалар, нақшин зар;  
Гўзал икки юз қиз бўлиб ёру жон,  
Умр қилсалар мен билан кўп замон;  
Ҳаётимни ишрат-ла ўтқазсалар,  
Менинг соғлиғимга шароб ичсалар;  
Шу айш-ишратда умр сурсам дадил,  
Қўйиб берсалар ўтса бир қанча йил;  
Ҳама салтанатли шаҳаншоҳлар  
Кўролмай мени, тортсалар оҳлар;  
Деса менга кимса шу давронаро,  
Сен, э бахтиёр, толен бебаҳо,  
Кўрибсан жаҳон айшини нақадар,  
Десанг арзиғай, бу жаҳон муътабар...  
Мен унга дегайманки, шодлик надур?  
Аламдин бўлак мунда не бор ахир?  
Бу созу тараннум, бу кайфу сафо  
Туну кун бўлиб мен билан доимо.

Шу қудрат, шу давлат, шу қасру сарой,  
Тетик турса гар қанча йил, қанча ой,  
Туну кун ҳаваслар муяссар бўлса:  
Айш-ишрат бўлса, созлар янграса,  
Бу инсон кўнглининг орзуси эмас,  
Бу кайфу сафолар сира арзимас!

## ЗУЛМ ҚАРОРИГА ҚАРШИ

Бу ватан золимларин номи юракни қон қилур,  
Дил бу қонхўрга йўлиқса, унда на имкон қилур?  
Деб эдинг қуръонни маҳв этмоқнинг кўрсатгай йўлин,  
Йўқ, бу сўз тез кунда найза бошида жавлон қилур.  
Дод бу меҳмоннинг қўлидан, уйга кирмасдан бурун,  
Кўчага ҳайдаб солиб, уй эгасин сарсон қилур.  
Инглиз-ла аҳдимиз сичқон, мушукнинг қиссаси,  
Тутса сичқонни мушук, айтчи, қачон дарҳон қилур?  
Бу жаҳоннинг тулкиси у, биз агарчи шеримиз,  
Бу аниқдир, тулки алдаб шерни саргардон қилур,  
Ҳеч билурмисанки, бу душман налар қилмоқчидир,  
Қанча макру қанча ёлғон-ла тилин чаққон қилур?  
Мен билан сенга куярмиш инглиз, бил охири,  
Эл қўлидан мулкин олмоқликка юртни қон қилур.  
Бизга равшандир мабодо берса эллик сўм бу кун,  
Эртага ҳар бир сўмин даъвода бир миллион қилур.  
Кимсаким, Африка даштин қумларига чанг солур,  
У қачон бой мамлакатдан кўз юмиб армон қилур?!  
Йўл тўсувчи ўғри—нодон ўғридир, доноси-чи,  
Ўғрилиқни мансабу қонуни билан осон қилур.  
Тарих олдида жавобгардир бу қалбим ёзмасам,  
Қарздор айлайди виждон, ҳам дилим армон қилур.

## СОТҚИН

Бир одамни йўлда тўсиб ўғрилар,  
Эғнида не бўлса, ечиб олдилар.  
У кун кечгача у югурди елиб,  
Ярим тунда бир қишлоқ ичра келиб,  
Шу қишлоқ бойига илтимосинамо  
Деди: „Бер бир либос менга, бой бобо?  
Кийиб ўз танамни ёпайин зора...“  
Тугатган эмасди сўзин бечора,  
Боқиб бой ғурур-ла малайлар томон,  
Дедиким: „Бу ҳам бизни қулдир шу он!  
Буни эрта бозорга олиб боринг,  
Сотинггу пулин келтириб топшинг!“  
Эшитди бу сўзни у бечоравор,  
Кўтарди бошин, деди йиғлаб зор:  
„Либос бер, қилай хизматинг, деб эдим,  
Қачон, сен мени сот қулингман, дедим?!“

\* \* \*

Бойлар қилмишидан куяр бу юрак,  
Сотур бизни қул номи бирлан, туллак!  
Бу қиссани ёздим бу бир ёдгор,  
Ўқирлар жаҳонда ҳаёт токи бор.

## И Ш Қ Қ У Д Р А Т И

Дилим бу ишқ қафасида сени баён айлар,  
Кўзим қадамларинг орзусини ҳамон айлар.

Бу мамлакатда сотолмайди мушк ҳеч кимса,  
Сочингнинг ҳалқасини гар тароғ дўкон айлар.

Бу ишқ қудратини кўргил, эй ширин сўзлик,  
Ибодатида сенга шайх дуои жон айлар.

Майу пиёлага дил дардини бутун айтдим,  
Висоли ҳам деди, марҳамни бегумон айлар.

Дедимки, ўт туташибдир ҳаёт хирманига,  
Деди, чида бу балони худо равон айлар.

Дедимки, сабр на бергай агар кетар дўстлар,  
Деди, чидамли кўнгул дилни меҳрибон айлар.

Дедимки, ошиқ элин кўз ёши асир қилмас,  
Дедики, ишқ сўзи сенга тилак баён айлар.

На хил дуо била, ёрим, бу хил гўзая бўлдинг,  
Не қилсин Ишқий дили сенга ишқ аён айлар?

Ўлим ҳолатда эрди ўн саккиз ёшлик бир ошиқ қиз.  
 Юзи ғамли, кўзи тортган ичига, қийналур жони.  
 Ётур уй бурчагида, ранги сўлган зору бечора,  
 Қўйиб деворга бошини енгилибдур, йўқдур имкони.  
 Юзидан силга ўхшар эрди, боқсанг оғир аҳволи,  
 Касаллик унда ҳам руҳий эди-ю, ҳамда жисмони.  
 Шифо топмоқни ўйлаб гоҳи маъюсона дер эрди:  
 „Сира йўқдур ўлимдан бошқа бу дардимнинг дармони!“

Бироқ, қон йиғлагандан сўнг юракдан қаттиқ оҳ урди,  
 Деди, э ишқ бу бахти қародан сен не истарсан?  
 Кўнгулни бердим, бошимни тутдим сенга қўл бирлан,  
 Йиқилдим ерга, ушбу муддаодан сен не истарсан?  
 Ўлим чоғи етибдир, энди жонни бир замон тинж қўй  
 Худо ҳаққи, бу оғир можародан сен не истарсан?  
 Бу мунгли ноладан сўнг ранги ўзгарди-ю, жон берди,  
 Деди халқ, энди бу бахти қародан сен не истарсан?!

Сафар қилди бу дунёдан юки енгил юмуқ кўзлар,  
 Жаҳонни кўрмади ҳаргиз, бу хил кетмак на келтирди?  
 Не сир бордирки, ушбу тан учун осмон, билолмасман,  
 Азоб бирлан ҳаёт қурмоқлигу ўтмоқ на келтирди?

Сенинг-чун бунга жон киргизмак, олмоқ жонин, эй дунё,  
Фақат бир жонга озордан бўлак мутлоқ на келтирди?  
Дегил дунёга, Ишқий, нотагон бечорани бу хил  
Азоб бермак учун келтирмагу элтмоқ—на келтирди?

## ИШҚ УСТОДИ

Билгил, ошиқлиғнинг шартинолаю фарёд эмас,  
Кечмаса ҳардам ширин жондан киши Фарҳод эмас.

Бўлмас ишқ устодин у, оламда достон бўлмаса,  
Топмаса ишқи камол, бу фанда у устод эмас.

Афсус, озодлик ва Миллат мажлиси ҳақида мен  
Не ёзарманким, қўлимда бу қалам озод эмас?!

Дилдаги фикрим шудир, навбатда сайланган киши  
Бўлмагай ҳаргиз муносиб, у агар шаддод эмас.

Янгироқ бир сўз топиб фиръавн ҳам айтмаб эди;  
Балки, Чингиз қилмиши тарих дилида ёд эмас?

Э худо, зулму ситам мулкини вайрон айлагил,  
Гар унинг бир жойи ҳам бошдан-оёқ обод эмас!

Мамлакатда бош кўтарса бирлигу озодлик,  
Қолмас истибдод ватанда, зулм уйи бунёд эмас!

## Э йўқчилик, муҳтожлик!

Кимки қасд бирла жаҳонда бир гуноҳ ижро қилур,  
Ноилож, муҳтожлик бирлан уни пайдо қилур.

Йўқса, одам қасд ила қандай ўзин расво қилур?

Ё хато қилмоқ учун ўз ниятин бежо қилур.

Йўқчиликдан нафрат айлаб, эл дили ғавго қилур,

Бир умр шод дилда ғамни лаҳзада барпо қилур,

Йўқчилик одамни хор айлаб, налар пайдо қилур,

Мардни номард олдида қаддин эгиб дуто қилур,

Яъни шерларни қилурсан тулкидек,

э йўқчилик, муҳтожлик!

Бахтсиз мардларни номардларча ишдан ҳайдатиб,

Қору ёмғир остида, вайроналарда ухлатиб,

Қолди жон ваҳми билан унда аёл тўлғоқ тутиб,

Ўн яшар гўдакни кўрдингми, ўлибдир совқотиб,

Қанчани бебахтликдан кечалар зор йиғлатиб,

Ўғрилик айлар биров бир мамлакатни қақшатиб,

Бу ўғрилик ваҳми том узра оёғин титратиб,

Қанчалар томдан йиқилди, ўлди у қонга ботиб,

Ким буларнинг қотили сендан бўлак,

э йўқчилик, муҳтожлик!

Янги оламнинг билимлик камбағал доно қизин

Қалбига тўлган эди бир ёш йигитнинг меҳри, чин;


У йигит бечорада йўқ эрди ҳатто бир тийин,  
Бир қари саржинфуруш пешонасин босган ажин,  
Борлигидан доф уриб мақтарди толу терагин,  
Чўнтагидан олди бир ҳамёнча тўлган олтинин,  
Пул кучи-лан қизни олди мажбур айлаб онасин.  
Йўқчиликдан оқ соқолга чулғади сунбул сочин,  
Сендан эрди ушбу нолойиқ никоҳ,

э йўқчилик, муҳтожлик!

Аблаҳу ифлосу аҳмоқ, ногирон, оқсоқ чол,  
Билмаган беҳуда сўзлардан бўлакни у қўпол,  
Роҳату ишратила банд у, қўйнида соҳибжамол,  
Чунки бор олтин-кумуш, роҳат қилур у бемалол,  
Мен-чи ёш шоир, билурлар ғарбу ҳам шарқу шимол:  
Паст кўча, тор кўчаларда доимо фикру хаёл,  
Бир қадамни эртадан то кеч қўярман бемажол,  
Менда зар йўқдир, у топсин олтини бирлан завол,  
Маҳв бўлсин унга ким бермиш ривож,

э йўқчилик, муҳтожлик!





## Парвин Ӗтисомий

### БАХСЛАШУВ

Эшитгандирсиз икки томчи қоннинг  
Ажойиб баҳсини, йўқса эшитинг.  
Бирига дер бири: „Сен кимнинг қони?“  
„Ки ман бой қўлидан томдим шу они.“  
Бири дер: „Мен тикан санчилганидан,  
У янтоқчи оёғидан томибман.“  
Бири айтдики: „Биз бир булоғдан,  
Агар томдик бўлак жисму оёғдан,  
Агар минг томчидур, қон ранги бирдир,  
Томирлар фарқидан йўқ унга таъсир.  
На иш келгай кичик бир томчилармиз,  
Бўлайлик бирлашиб биз катта денгиз.  
Бўлайлик иттифоқ ишда, амалда,  
Шу хил йўл юргувчи тинч ҳар маҳалда.  
Оқиб дарёга тушгаймиз аригдан,  
Қиру жардан ўтармиз мавж бирлан.“  
Бири айтди: „Сўзингнинг йўқ гумони,  
Мен ишчи қони, сен-чи, бойнинг қони.  
Менга йўлдош ўзимга ўхшаганлар –  
Етим ёши, жафокаш қонидирлар.  
Вужудга келдинг ишратли юракдан,  
Эгилган қомату ғамдан эрурман.

Таомлар сенга шоҳ ошхонасидан,  
Менга кўз ёши ҳам ўт донасидан.  
Ичиб майлар, сенинг рангинг юз алвон,  
Ҳақорат, ғам-алам қилди мени қон.  
Ҳақиқат мулкида минглаб харидор,  
Юрак конидадирман, қийматим бор.  
Ўлим ҳам суратимни маҳв этолмас,  
Қаю бир томчи қон менга келур бас.  
Бу қонда икки юз дарё ниҳондир,  
Зафарлар кемаси бунда равондур.  
Бўлур қўл боғлилар қулликдан озод.  
Агар озод бўлиш-чун юрса авлод.  
Таловчилик уйин куйдурсалар гар,  
Етим, туллар бу хил қон ютмағайлар.  
Ва ҳар номард қилолмас эл қўлин банд,  
Ота қонин сўраб отланса фарзанд.  
Кўкармас эрди золимлик дарахти,  
Кесиб ташланса тез, келганда вақти.  
Чидамдан бўлмаганда астар асло  
Жафо тўнини тикмас эрди дунё.  
Ёмон, дор бошига тортилса ҳар чоқ,  
Унинг ўрнин олур ундан ёмонроқ.

## РИЗҚИМИЗ АЖДАР ОҒЗИДА

Қилди бир деҳқон насиҳат ўғлига,  
Сенга мендан сўнг қолур ушбу ҳунар.  
Умримиз ўтди бутун меҳнат билан,  
Қон ютишлик навбати сизни кутар.  
Сен бировларнинг кучидан нон ема,  
Қанча зўрлик келса ҳам қўлдан агар,  
Ишдан олдин тажриба даркор эрур,  
Ногаҳон тушса яшин — хирмон куяр.  
Ўғли айтди, эй, ота, жоним ота,  
Бизга бой зулми яшин янглиғ тушар.  
Айшу роҳатдир уларнинг ишлари.  
Ғам-аламни бизга тақсим қилдилар.  
Қайда бизнинг ҳақ, улар ҳақли эса,  
Бахту иқбол, катталик, бойлик агар?  
Биз егаймиз нон жигар қони билан,  
Ризқимиз аждарнинг оғзида ётар.  
Бизнинг ҳосил бошқалар омборида,  
Бизни меҳнат нега бефойда кетар?  
Лойда, селда, қору ёмғир остида,  
Нега деҳқон қомати ёш ҳам бўлар?  
Нону қанддан ҳоли дастурхонимиз,  
Бизнинг қишлоқ бунча очликда яшар?  
Гоҳ чирог бўлса чирогёғ бўлмагай,

Бизнинг уйлар тун бўйи бенур турар.  
Бу жаҳоннинг молу пул-ашёсидан  
Бизда бордир битта бўйра, қил назар!  
Менга ўхшаш бир киши шаҳзода ҳам,  
Нега менга минг ямоғлиқ тўн тегар?  
Не учун, йўқдир оёғимда этик?  
Не учун, халқлар тўнини у кияр?  
Бизни хирмонга бу йил ўт қўйди ким,  
Эл қаҳатликда, нега йўқ ғаллалар?  
Қанча меҳнатлар мукофоти учун,  
Эл фақат қаттиқ ҳақорат эшитар.  
Унга-мунга юк ташир тоқайгача,  
Ёки деҳқонни улар ҳайвон санар?  
Не учун, рўёбга чиқмас эл иши?  
Не учун, бечораларни хор этар?  
Биз каби афтобда куйган халқнинг  
Қалбининг кўзига қайдан нур ёнар?  
Дунёда бизда фақат бор орзу,  
Неки кўрдик дунёдан — жабру зарар.  
Кўпни кўрган кекса бир кулди деди:  
Демағил тақдир иши, зўр қиссалар!  
Эрку ақл, инсониятлик йўқ учун  
Бунда зулму жабр ҳокимлик этар.  
Ишчиларнинг янчилур эрку ҳақи.  
Худди ул донки тегирмон майдалар.  
Мазлум аҳли кимга айтар додини,  
Ҳирсу манманлик-ла мағрур тўралар.  
Бизда пул йўқ қозига пора учун,  
Бу гуруҳ қилғай тама иш қилса гар.  
Қўл қуруқ бўлса, касал кўрмас табиб,  
Йўқлик, ўғлим, бедаво дард, зўр хатар.  
Камбағалбиз, ҳаммадан бегонабиз,  
Бир масал бор бизда: Бой бойга боқар.  
Эрталаб дину шариат ҳомийси,  
Кечки овқатда етим қонин итар.

Қон юқи бармоқлари қатъий гувоҳ,  
Чунки ҳар доим ўлимтик ейдилар.  
Тул хотинлар қонини ичган киши  
Кўринишда шайху, гўё муътабар.  
Кийса пўстин, ётса атлас кўрпада,  
Бизнинг қишлоқдан қачон парво этар?  
Бир чақа берса гадога ҳар киши,  
Умрбод ундан дуолар кўз тутар.

## ЕТИМНИНГ КЎЗ ЁШИ

Йўлдан ўтмоқда эди бир подшоҳ,  
Том, девордан чиқди қийғос оҳу воҳ.  
Бир етим сўрди шу он бир кимсадан:  
„Товланур шоҳ тожида, у на экан?“  
У киши, недур у, билмайман деди,  
Жилва берган бебаҳо гавҳармиди,  
Қад букук бир кампир яқинроқ келди-ю  
Деди: „Кўз ёшим, дилингиз қони у!  
Бизни у чўпон қилиб, кўп алдади,  
Қанча йил, бу бўри қўйларни еди...  
Мулк олур ул шайх қароқчи баднамо,  
Элни молини еган шоҳ, бир гадо.  
Томчисига боқ етимлар кўз ёшин,  
То кўрарсан шунда гавҳар жилвасин.\*  
Тўғрилиқ сўз фойдасиздир ўғрига,  
Сўзла, Парвин, тўғри сўзни тўғрига.

## КАМБАҒАЛНИНГ ҚАЙҒУСИ

Чарх йигирар чоғи бир кампир деди дукка боқиб,  
Ип йигирдим пахтадан, сочим оқарди, ранг сомон.  
Доима сенга тикилдим ҳам эгилдим эрта-кеч,  
Бел эгилди, кўзларимдан кетди нур, қулфатда жон.  
У булут келди уйим устини буткул қоплади,  
Йиғлади ҳолимга то қиш фасли ҳам етди шу он.  
Менда дунё молидан ҳеч нарса йўқ, қашшоқмен,  
Қиш яроғин қилдилар мендан бўлақлар шул замон.  
Бермагай бепул бировга ҳеч киши кўмир-ўтин,  
Бу бир орзу, бир умиддир, ҳеч топилмас меҳрибон.  
Жойланиб олди инига вақтида паррандалар,  
Қурт-қумурсқа ҳар тарафга изғиди, топди макон.  
Камбағалнинг туйнугига, айтчи, нур қайдин тушар?  
Олам оро офтобнинг шуъласидан йўқ нишон.  
Кўйлагу тўнга ямоқ солмоқ азобидан мудом  
Томди бармоқлар учидан дилдаги бу тоза қон.  
Қолмади кийган тўнимда беямоқ бир жойи ҳам,  
Тиксам у жойдан, бу жойдан, йиртилур кийган замон.  
Игнадан ип ўтказай деб уринадим ул кун бироқ,  
Қалтирайди қўлларим, кўрмай қолар кўз нотавон.  
Мен шу очлик бирла ётдим-ку, димоғим кечалар —  
Ҳид олур қўшни таомидан, қани бир парча нон?  
Томшувоқ кеч қолганидан кеча-кундуз ғам босиб,

Гар булут ёмғир ёғаркан, бу юрак урғай чунон.  
Васса синган, чакка ўтган, том тешик ғалвир каби,  
Қору ёмғир остида мумкинми ором олса жон?  
Пардалар ўрнига тонг отгунча ўргумчак юриб,  
Бу эзилган уйга, шифтга тортадир тўр ҳар томон.  
Бу жаҳон боғига бир гулнинг тамошоси учун,  
Санчилур кирсам оёғимга тиканлар беомон.  
Ҳодисотнинг селларин дунёда кўп кўрдим жуда,  
Кўз ёшим мавж урди селдек шул сабаб бўлди равон.  
Нега давлат боқмади бечораларга билмадим,  
Нега иқбол қочди биздек нотагондан ҳар қачон.  
Камбағалларнинг ғамин, Парвин, емас мулкдорлар,  
Бу совуқ темирга болға урма, қийналгуси жон.





*Ираж Мирза*

О Н А Қ А Л Б И

Маъшуқа ошиққа қилди шикоят:  
Онанг тинч қўймайди доим уришиб.  
Қатто у олисдан кўраркан мени,  
Манглайи тиришар, юзи бурушиб.

Ғазаб кўзи билан менга боқиши,  
Оҳ, нозик қалбимга ханжардек ботар.  
Қатто у олисдан кўраркан мени,  
Қарғиш тошларини сопқондан отар.

Сенинг тош юракли онанг то тирик,  
Менда йўқ ҳаловат, еганим заҳар.  
То уни қалбини қилмасанг пора,  
Мен сени севмасман билгил ҳеч маҳал!

Васлимга етишни истасанг агар,  
Фурсат ўтмасин ҳозирлан йўлга:  
Юзини қонга бўя, танин эт мажруҳ,  
Кўксини пора қил, қалбин ол қўлга.

Қонга тўлган онанг қалбини кўриб,  
Кўнглимда қолмасин заррача ғубор! —  
Маъшуқа сўзи-ла ўрнидан туриб,  
Шум ишга қасд қилди, у йигит беор.

Онанинг ҳурматин чиқариб ёддан,  
Тупроққа тенг қилди муқаддас танин.  
Бода таъсиридан у маст-девона  
Сугурди онанинг меҳрибон қалбини.

Маъшуқа ёнига ошиқди шу он,  
Қўлида анордек она юраги.  
Қоқилиб йиқилди ерга ногихон,  
Бир оз шикастланди тизи, тирсаги.

Ҳанузгача иссиқ, сўнмаган юрак  
Тушиб кетди ерга унинг қўлидан.  
Ўрнидан қўзғалиб ўғил шу замон,  
Олмақчи бўлганда қолмай йўлидан,

Қон билан бўялган онанинг қалби  
Чиқарди оҳиста бир оҳанг ташққа:  
„Оҳ, болам қўллари шикаст тонти-я,  
Вой, болам оёғи урилди тошга!..“

## Н И Қ О Б

Ниқобли жилва қилса сув қилиб дилни равон айлар,  
Ниқобсиз боқса, ёраб, балки ерни осмон айлар.

Шаҳар пешвоси йўл қўймас ниқобни маҳв қилмоққа,  
Ниқоб остида чунким макрини хўп бегумон айлар.

Унинг мақсудига зоҳирда қуръон келмагач тўғри,  
Ўзи ўйлаб тўқиб бир маъни ёлгондан баён айлар.

Унинг айтган сўзига бир далил сўрмоққа ҳожат йўқ,  
Нечунким қўйга бўри ҳужжатин сўзсиз аён айлар.

Бу Эрон миллатидан бошқа, айтинг, қайси миллат бор,  
Юзин кўрмай туриб бир қизин севгай, жонажон айлар?

Қани, чимматдагилар ҳимматида бўлса бир қудрат,  
Ниқобин парчалаб мардона, ўзни қаҳрамон айлар!

Аёл бетида чиммат маърифатга бир тўсиқ албат,  
Қачон бўлгай, ҳақиқат илги говни бенишон айлар?

Қўйиб бир-бирга қарши муфтилар Эрондаги халқни,  
У макру ҳийла остида ўзин шайхи замон айлар.

Мушук сўфилигига шайхимиз сўфилиги ўхшар,  
Бироқ шайхга мушук ҳеч ўхшамасликни баён айлар.

Мушукни панжасига сув тегиб бир томчи, ҳўл бўлса,  
Шаҳарнинг шайхидек у булғанишдан кўп фиғон айлар,

Вужудига тегизмасдан қўлин кўп эҳтиёт айлаб,  
Қуруғлиққа югурмоқда ўзин бир паҳлавон айлар.

Мушуклар одатин билмас кишилар яхши билсинлар,  
Агар сув текса қийнар панжасин, кўп нотавон айлар.

Бироқ, очкўзлари тушса балиқларга ҳовуз ичра,  
Ҳовузга таппа ташлар, у балиқларни қирон айлар.

Ажаб ҳайронадирман кимдан ўрганган у маккорлик,  
Шаҳар қозиси уйғоқ элни уйқуга равон айлар.

Юрарлар макканинг хотинлари юзга ниқоб тортмай,  
Ва лекин пардани бизнинг хотинларга у шон айлар.

Киши сув бағридан ой кулчасин қўлга ололмайди,  
Ишонмай қўл узатиб қайси нодон имтиҳон айлар?

Юзингга ташла номус пардасин, нуроний бўл, синглим,  
Бахилу хомтамалар жонига қаттиқ зиён айлар.

Ниқобингни юзингдан олғилу, нур соч тўлин ойдек,  
Чидолмай хийлагар шайх итдек ак-акни чунон айлар.

Шу хил жим ўлтириб, бу пардадан озод бўлиш йўқдир,  
Фақат халқ инқилоб айлаб, гўзал озод замон айлар.

Қаро тунни, булутларни аёвсиз парчалаб, ҳайдаб,  
Қуёш, ой нурига тўлган жуда равшан жаҳон айлар.

О Н А

Дейдиларки, онам мени туққану,  
Ўргатган экану эймоқни илк бор.

Ухламоқни ҳам у ўргатган экан,  
Тонг отгунча ўзи ўтириб бедор.

Етаклаб қўлимдан қадам-бақадам,  
Юришга ўргатмиш этиб жон нисор.

Тилимни айлади сўзлашга моҳир,  
Ширин-ширин сўзни айтдириб такрор.

Гунчага очилмоқ йўлин кўрсатиб,  
Қилибдир лабимни табассумга ёр.


Борлигим онамнинг борлигидандир,  
Токи борман, унинг ишқи дилда бор.

## О НА МУҲАББАТИ

Онанинг қадрини билгил, эй ўғил,  
Ўғил ранжин чекар бечора она.  
Унинг хоҳишларин аввал бажо қил,  
Отангдан кўп севар бечора она.  
Уни жонингдан ҳам ортиқроқ кўргил,  
Жондан қиммат турар бечора она.  
Тўққиз ой бағрида сақлади сени,  
Жон билан баробар бечора она.  
Ҳатто қимирлашга қўрқар уйқуда  
Етмасин деб зарар бечора она.  
Ўлимин бўйнига олган бир карра,  
Сўнгра сени туққан бечора она.  
Ювиб эскиларинг пок айлағай, пок,  
Хизматкордек камтар бечора она.  
Тоза айлар сени соат басоат,  
Ўзлингни қуритар бечора она.  
Қўққисдан чучкиниб қолган чоғингда,  
Бошдан ҳуши учар бечора она.  
Агар йўталгудек бўлсанг бирор бор,  
Жигар қонин ютар бечора она.  
Сенинг тун бўйи тинч уйқингни сақлаб,  
Кўз юммас то саҳар бечора она.  
Икки-уч йил сенинг дард-хархашангдан

Билмас не еб-ичар бечора она.  
Тиш чиқар пайтида, дард чекканинга,  
Сендан кўп дард чекар бечора она.  
Тета-поя турсанг, йиқилмасин деб,  
Қўрқиб жонин тикар бечора она.  
Сенга бир озгина жон киргунича  
Неча жондин кечар бечора она.  
Мактабга жўнатиб, то қайтгунингча  
Йўлингга кўз тутар бечора она.  
Агар чорак соат кечикиб қолсанг,  
Неча ҳушдан кетар бечора она.  
Дунёда яшаган ҳар кимдан ортиқ  
Ранжу кулфат чекар бечора она.  
Ҳамма заҳматларин меваси бўлмиш  
Ёлғиз сени севар бечора она.





### **Фарруҳий Яздий**

**ЮРАК МУСТАҚИЛЛИҚ ФИДОСИ,  
ЖОН ОЗОДЛИК ҚУРБОНИ**

Қўйдим озодлик оёғига бошимни бу замон,  
Кечдим озодлик йўлида менда гар минг бўлса жон!  
Васлига етсам агар, маҳкам тутарман жон билан,  
Орқасидан эргашиб бошим-ла бўлғайман равон.  
Қанча жоҳиллар билан бебурдларнинг тўдаси  
Эрку озодлик биносига ҳужум айлар ҳамон.  
Ҳеч чидолмай жанг қилур, тўфон туғар денгизаро  
Зулмлар кемачиси эрк қудрати бирлан чунон.  
Хур адолат аскаридир, ушбу йўлда Фарруҳий,  
Мустақиллик бирла озодликка садқа қалбу жон!

## ВАТАННИ СОТИШ ТОКАЙГАЧА

Ғам билан дил қояга тўлди, яшириш тоқайгача?  
Нола бирлан чиқди жон, жим ўлтириш тоқайгача?  
Хум каби яхлабди дил, зардобига тўлган оғиз,  
Шунчалик музлаш-ла қайнаб, мавж уриш тоқайгача?  
Пулга виждонсиз, текинхўрни олар ватанфуруш,  
Эй текинхўрлар, сотиб юртни, юриш тоқайгача?

## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Бўлур ҳар томчиси дарёю шиддат-ла уриб тўлқин  
Муқаддас Чин ерида у шаҳидлардан тўкилган қон;  
Йўқолгай ер юзидан, қолмагай ному нишони ҳеч:  
Агар халқларни йўқ қилмоқни қастдан этса ҳар инсон.

\* \* \*

Қудрат қўлини, эй халқ, сол ишга энди чаққон,  
Жабру зулм уйини ер бирла айла яксон.  
Кўз ёши бирла „оҳ“дан сенга наҳосил, э дил,  
Эркингни қўлга киргиз, гарқ этса майлига қон.

\* \* \*

Мамлакат зўр инқилоб бирлан тузалмоғи керак,  
Балки, душман қонидан қўллар бўялмоғи керак.  
Келгуси кунлар учун лойиқ бўлай десанг агар,  
Юр шитоб бирлан бу кун, ёвлар йўқолмоғи керак.

\* \* \*

Улар ўз айбларин меёрига еткизмоғ истарлар,  
Жиловлаб бизни ҳам тумшугдан ип ўтказмоқ истарлар.  
Улар мажлис қилиб ҳар хил ғаразгўйлик билан ҳар дам,  
Яна оламаро янги урушлар қилмоқ истарлар.

\* \* \*

Ҳар машаққат вақти номусдир — бўшашмоқлик бу кун  
У шикаст толган юрушни шарт эрур қилмоқ бу кун.  
Нур сочувчи эрку, иқболу зафар офтобини  
Иттифоқлик соясида изламоқ лозим бу кун.





*Эҳсон Табарий*

В. И. ЛЕНИН

I

Ленин қалби тинди урмоқдан, лекин  
Халқлар тан-жонида яшайди руҳи.  
Мавзолей олдида интизор, сокин  
Саф чеккан қалбларда доҳий шукуҳи.

Кремль ёнида, оромгоҳида  
Ётар тинч уйқуда идроки жаҳон.  
Зиёрат қилганнынг соф нигоҳида  
Курашга қатъийлик бўлур намоён.

Мармардаги нақшдек Лениннинг номи  
Ўчмас жой олгандир деҳқон қалбидан.  
Аммо зулм аҳлини ҳуши учади  
Эшитса бу номни ишчи лабидан.

Қаноти синганди эл орзу, бахтин,  
Ленин унга қанот бермоққа қодир.  
Олтин бутни топтап, зулм дарахтин  
Илдиздан қўпорди ўлмас баҳодир.

Саодат эшиги берк эди элга,  
Ленин халқ қўлига берди калидин.  
Чунки у чиниқди тарих селида,  
Инқилоб ўтида тобланди Ленин.

Ильичнинг кўзлари кўрдилар аниқ.  
Октябрь бўрони яқинлигини  
Ва ундан туғажак қуёшнинг ёниқ,  
Оламни ёритар чақинлигини.

Смолярний олдида бошланган тўлқин  
Мавж уриб тарқалди ҳамма тарафга.  
Аврора тўпининг садоси бутун  
Мазлумлар элини йигди бир сафга.

Солимларга қарши нафрат ва ғазаб  
Қалбига жо бўлган ишчи қўзғалди.  
Подшо саройининг қуббаларида  
„Ўроқ билан болға“ мангу жой олди.

Спартакдан тортиб Коммунагача  
Қонига беланган умид ва орзу  
Ленин режаси-ла очди у гунча,  
Ситамкаш қалблардан кетди ғам мангу.

Тўлқинлар жўш урган океанларда  
Бахт кемасин бошлаб ғалаба томон,  
Ўткир зеҳн билан енгди ҳар ерда,  
Жангда қўрқув билмас буюк қаҳрамон.

Оташин нутқидан бир учқун тушса,  
У жойда кул бўлар зулм ва ситам.  
Инсон ўз ҳуқуқи учун курашса,  
Инсонлик қадрига эришар шу дам.

Ленинни улуғлаб, қайноқ ишқ билан  
Турли оҳангларда куйлайди башар,  
Хилма-хил тилларда шеър, қўшиқ билан  
Улуғ Ленин номин такрор куйлашар.

Ленин нидоси-ла, жаҳлу нодонлик  
Ва асрий уйқудан уйғонди одам.  
Шарқда ҳам қўзғалди ситамдийда халқ  
Тўлқинга қўшилди меҳнаткаш олам.

Ялт этди ғазабнок қулларнинг кўзи.  
Шодлигу умиднинг шуъласи ёнди.  
Амазонкадан то Хуанхегача  
Шимолу жанубда ишчи қўзғалди.

Азим бир қўшиндек юрдилар олга.  
Жангу жадал билан қилдилар парвоз.  
Мустамлака халқин нидоларига  
Европалик ишчи бўлди ҳамовоз.

Лениннинг овози, Октябрь нури  
Уйғотди уйқудан шарқ баҳодирин.  
Кураш қуролини берди қўлига.  
Берди инқилобий ғайрат, шуурий.

## II

Қайгаки боқмайин — Ленинни кўрдим,  
Ленин йўлин, фикру сўзини кўрдим  
Жаҳонда адолат янграган ерда  
Ленин иродасин, ўзини кўрдим.

Музаффар елпинган сулҳ байроғида,  
Мазлумлар кураши, кўзида Ленин.  
Эрк деб наъра тортган элнинг овози,  
Ўтдек ёндирувчи сўзида Ленин.

Ленин сиймосини кўраман такрор  
Шарқлик баҳодирнинг ҳар исёнида.  
Ленин ғоялари жўш урар букуи  
Халқлар томирида, халқлар қонида.

Ленин нутқ сўзлаб туради гўё  
Қомати кўзимдан кетмас ҳеч нари.  
Лаб очиб, қўл чўзиб, кўрсатиб йўлни,  
Жаҳонни бошлайди зафарлар сари.

Бедодлик, зулмга қарши курашнинг  
Рамзидек кўраман доҳий сиймосин.  
Ободонлик<sup>1</sup> фақир кулбасини ҳам,  
Шоҳий<sup>2</sup> ишчисининг безамиш кўксин.

Кермон<sup>3</sup>да тўкилган гулдор гиламда  
Доҳийнинг суратин кўрдим, бебаҳо.  
Исфихон\* косиби зўр ҳурмат билан  
Ундан санъатига берибди жило.

Ленин бўлмаганда, Ватаним танин  
Парчалаб ташларди лондонлик бўри.  
Мустақилликдан ҳам ажралар эди,  
Ортарди халқимнинг пешона шўри.

Халқимиз қалбида Лениннинг номи  
Беҳистун нақшидек ўйилган, ўчмас.  
Бу ном душман билан курашда доим  
Меҳнаткаш халқимга ҳамдам, ҳамнафас.

Тарих чўққисиди бир олмос каби  
Ярқирар, нур сочар Лениннинг исми.  
Меҳнаткаш қалбида, ҳаракатида  
Лениннинг исми бор, бор унинг жисми.

Бу исм янграган ҳар бир ўлкада,  
Ларзага келади ноҳақлик, ситам;

1—2—3—4—Эрон шаҳарлари.

Капитал аҳлини ларзага солиб,  
Берлиндан Чингача янграйди ҳар дам.

Даҳшатли янграйди золимлар учун  
Капитал маъбади ичра бу исм.  
Уолл-стритнинг жаллодларига  
Ўқилур бу ном-ла ўлимга ҳукм.

Асрлар уқубат тортган меҳнаткаш  
Капитал, зулмни енгсин деб аввал,  
Ўткир зеҳни билан халқ бахти учун  
Тарих чигалларин этиб берди ҳал.

Чашма сувларида ярқираб турган  
Улуғ бир қуёшдек Лениннинг оти.  
Инқилоб тонгидан бўлиб намоён  
Ёритди эл бахтин, одам ҳаётин.

Ленин кетди, аммо Ленин йўлидан  
Халқлар содиқ борар, боради мангу.  
Унинг фикр боғи ҳеч бўлмас хазон,  
Бу боғда яшнайди ҳар умид, орзу.

Ленин мангу тирик, у йўл кўрсатар,  
Советлар қудрати ортар тобора.  
Ленинчи партия қозониб зафар,  
Урушқоқ кучларни қилмоқда пора.

Лениннинг даҳоси нур сочмоқдадир,  
Тинчликка кенг уфқ, йўл очмоқдадир!

### И М З О

Тинчлик лавҳасига чекаман имзо,  
Чақирилмаган меҳмон келмасин учун!  
Ҳар кимсага солиб ваҳима, низо,  
Ўлимлар уйма-уй юрмасин учун.

Тинчлик лавҳасига чекаман имзо,  
Бойқуш ошиёни бўлмасин бўстон.  
Қора булутларга тўлмасин фазо,  
Боғлар қуримасин, бўлмасин хазон!

Тинчлик лавҳасига чекаман имзо,  
Оқ сочли оналар, нуроний юзлар  
Фарзанддан айрилиб, тортмасин жафо,  
Ноумидлик ёшин тўкмасин кўзлар!

Тинчлик лавҳасига чекаман имзо,  
Қора кўз келинлар ёр ҳижронида,  
Йўлга кўз тикиб бўлмасин адо,  
Интизорлик ўти ёниб жонида.

## ЮРАГИМИЗ ПЎЛАТДЕК ТОБЛАНСИН

*(Эрон газеталарида хабар берилишига кўра, деворга тинчлик шиорики ёзиб турган бир ёш йигитни отиб ўлдирган эрон солдатиغا мукофот ва ефрейтор унвони берилган)*

### I

Қашшоқлик ва алам тўлган Техронда,  
Тонг илк нурларини сочганда кўзга,  
Деворга ёзарди кимнингдир қўли:  
„Янкилар йўқалинг ўз юртингизга!  
Ўз уйимга ўзим бўлайин эга!..“  
Аммо... пайдо бўлиб шунда бир солдат  
Суриштириб кўрмай, нима гап, нега?  
Отди қарсиллатиб унга автомат.  
Бир ирғиб тушди-ю йиқилди йигит,  
Тушиб кетди унинг қўлидан кўмир,  
Жаҳолат ўқидан бўлди у побуд,  
Она юртин севган ажиб баҳодир.

### II

Ким эди, у ботир, билмак истайсиз,  
Ким эди, қуёшдай балқиган кимса?  
Балки, студентдир, ишчидир, балки?  
Аммо аниқ эди бизга бир нарса:

Юрагида олов, танида оташ,  
Ватан ишқи билан ёнар эди у.  
Ватанфурушларга кина билан ғаш,  
Нафрат билан боқарди мангу.  
Тинчлик-омонлик деб боғлаб мард белин,  
Уйидан чиққанди эрта саҳарда.  
Империализмга кўтарди қўлин,  
Халқини қутқармоқ бўлиб хатардан.  
Нима учун ўлим бўлди қисмати?  
Нима гуноҳ қилди, нима айби бор?  
Унга ким ўқ узди? Нимадир оти?  
На учун хоинлик бунга бўлди ёр?

### III

Ҳарбий хизмат учун қишлоқдан келиб,  
Ўзидек бир йигит бағрин қилди қон.  
Автомат ушлашни энди ўрганган —  
Солдат деҳқон ўғли, ўзи ҳам деҳқон.  
У очу яланғоч қишлоқдан чиқиб,  
Кўп жойларни кезди бурда понга зор.  
Солдатга ёллашди, аммо бунда ҳам  
Сўкиш ва турткидан ўзга нима бор?  
Ватан душманлари бор кучи билан  
Заҳарлаб йигитнинг гўл, нодон бошин  
Ватан ишқи шу, деб унинг қўли-ла  
Сўндирди ботирнинг ҳаёт қуёшин.  
Океан ортидан берилгач таълим,  
Жаллодга айланар солдат бечора.  
Ўзи ҳам тушунмай нима қилганин  
Ватандошлар қалбин қилади пора.  
Эй солдат, билиб ол бундайин қилмиш  
Қимларга фойда-ю, қимларга зарар.  
Ватан душманлари қилмишидир бу,  
Ватанинг бу ишдан кўп жафо кўрар.

Сенинг бу ишинг-чун кўкка кўтариб,  
Улар берган эмиш озроқ мукофот.  
Аммо мақсадлари яна қутуриб,  
Сендан кутмакликдир элинга офат.  
Улар истайдики, сенинг ўқингдан  
Кетма-кет қирилса ўз ватандошинг.  
Улар истайдики, адашишлардан  
Асло қутулмаса бу ғофил бошинг.  
„Янкилар йўқолинг ўз юртингизга!“  
Деб ёзган ҳар бир қўл кесилса, дерлар.  
Ўз она юртига эга бўлмоқни  
Истаган ҳар бир эр отилса, дерлар.  
Сен отдинг ўзингдек навқирон эрни,  
Сеники ҳам эди унинг шиори.  
Сен каби меҳнаткаш бир йигит эди,  
Уйда кутарди онайи зори.  
Истасанг долларнинг ишонган қули —  
Бўлмоқни, осондир, кўзларингни оч:  
Очларга ўқ узгил ўзинг оч туриб,  
Яланғочларни от ўзинг яланғоч!

#### IV

Мана жоҳил солдат Американинг  
Малайи бўлгани ҳаммага аён!  
Қотил солдат эмас, босқинчи руҳи  
Жасад теппасида бўлмиш намоён!  
Қон билан қизарган тумшуғин ялаб,  
У жирканч махлуқдай қилар тантана.  
Ёввойи тишларин оқин кўрсатиб,  
Солдатнинг ишидан у мамнун, ана.  
Ахир шарқлик солдат ўз биродарин  
Қонга беладиду, бўлмасинми шод?

Аммо бил, бу шодлик бормас узоққа,  
Ҳамма солдатлар ҳам бўлмас қул, жаллод.  
Вақтлар келарки, халқ газабидан  
Зулмнинг муъбади ларзага келур!  
Озодлик байроғи балқир фазода,  
Сочар эрк қуёши кўкимизда нур!

## ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҚЎШИҒИ

Сароб шаҳрида дорга осилдим,  
Зиробда неча бор ўққа отилдим,  
Шоҳийда азобга этилдим дучор,  
Ободан зиндони ичра бўлдим хор.  
Қашм ва Хормуздга сурилди жоним,  
Бодробод лагери бўлди маконим,  
Мен ўша эронлик — қомати расо,  
Душманларга бўйин эгмайман асло!

Минг марта итобу азоб, сургунлар  
Бизни қоралайди мажлис, трибунлар,  
Сотқин газетчилар сочар минг бўҳтон,  
Бизга таҳдид солар полис — кўзи қон,  
Рух қароқчилари фириб ишлатар,  
Таслим бўлишимни ғанимлар кутар,  
Мен ўша эронлик — қомати расо,  
Душманларга бўйин эгмайман асло!

Макру ҳийлаларга тўлиқдир Техрон,  
Тўпу туфангларга ёв соҳиб-фармон,  
Бегона сафири<sup>1</sup> қўяр дому дон,

<sup>1</sup> Сафир — алич.

Доллару лираси беради фармон.  
Маслаҳатчилари план тузади,  
Поездлар, танкларни у юрғизади,  
Аммо, сеҳрлидир бизнинг кучимиз,  
Ҳамма кучдан устун. Олур ўчимиз.  
Мен ўша эронлик — қомати расо,  
Душманларга бўйин эгмайман асло!

Тураман оёққа у бахтиёр кун,  
Қадамим зарбидан душман ютар хун  
Баҳмал водийлару кўм-кўк дарёлар,  
Ўрмонлар ва тоғлар, боғлар, далалар  
Ғайратим гувоҳи бўлур бегумон,  
Мен шонли курашга отланганим он  
Момагулдиракдек янграб овозим  
Зулмнинг асосин қулатар шу зум.  
Тингла сўзларимни, эй башарият!  
Истайман инсонга эрку адолат!  
Мен ўша эронлик — қомати расо,  
Душманларга бўйин эгмайман асло!

## Х А Л Қ М А Р Ш И

Дилимиз ғамдан бўлди лаҳта қон,  
Эй, меҳнат аҳли, кўтаринг исён.  
Зафаримиз ҳақ. Кураш-ла бўлур  
Импералистлар маҳв, бенишон!

Бу кун ҳар ёқдан шу нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!  
Етди, мардона қўзағмоққа он  
Нокас жабридан озод бўл, Эрон!

Йўқлик, нодонлик, алам, қайғуни  
Қисматим дема, дема пешонам.  
Шундай мусибат, ситамли куни  
Қўзғал, ҳаётдан кўрсат нишона!

Бу кун ҳар ёқдан шу нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!

Токай ётасан ситамга чидаб,  
Токай бўласан олтинга банда.  
Бу кун бизларга қўшия қўл ушлаб,  
Босқинчиларни айла шарманда!

Бу кун ҳар ёқдан шу нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!

Бизга бошқалар озодлик ато —  
Қилур деб умид боғламоқ хато.  
Ўз билагимиз қуввати билан  
Озодлик бизга бўлади раво.

Бу кун ҳар ёқдан шу нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!

Розимиз — жону тан бўлса ҳам фидо,  
Бошламоқ учун озодлик асрин,  
Бўлмасин учун ватаним гадо,  
Безамоқ учун саодат қасрин.

Бу кун ҳар ёқдан бир нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!

Бизга бошқалар озодлик ато —  
Қилур деб умид боғламоқ хато.  
Ўз билагимиз қуввати билан  
Озодлик бизга бўлади раво.

Бу кун ҳар ёқдан шу нидо келур:  
Тез оёққа тур, ёвга қарши юр!

## СИМОБ РАНГ ТЎЛҚИНДА КЕМАЛАР КЕЛА!

### I

Симоб ранг тўлқинда кемалар келар,  
Уруш қуроллари ташийди улар.  
Баланд мачтасида силкинар байроқ,  
Илондай қимирлаб тўлғанади, боқ.  
Бор унинг юзида гуж-гуж юлдузи,  
Олачипор эди, илондай ўзи.  
Соҳилда туради бир тўда ишчи,  
Юк ташувчи докер, локомобилчи.  
Ғазабдан ёнарди аламли кўзлар,  
Бунда ҳар довиюрак бир сўзни сўзлар:  
„Уруш қуроллари қабул этмаймиз,  
Бутун ҳаммамизнинг битта гапимиз.  
Бўлмаймиз ҳеч қачон урушга аскар,  
Лондон, Вашингтон бойига нафар!“

Пастак кулбалари ёнида она  
Фарзандин бағрига босган мардона,  
Худди тўлқинларга ҳужум қилгудек,  
Муштумини маҳкам қисиб турар тек.  
Она юрагида ғазаб, ваҳима,  
Дер у: „Соҳилдан кет, йўқол шум кема!“

Вашингтонлик бир элчи ҳам турар,  
Лабида трубка, хомуш кўринар.  
Эронлик амалдор келиб оҳиста  
Унинг қулоғига шивирлар аста:  
„Ғазабли халқ билан тўлибди қирғоқ,  
Яхшиси кемани жўнатынг йироқ.“  
Урушқоқ гумроҳлар титрашиб шу он,  
Портдан узоқроққа бўлдилар равон.  
Капитан қирғоққа тўғрилар дурбин,  
Одамлар кўзида кўрар ғазаб, кин.  
Пўлат-мускуллару паҳлавон танлар,  
Денгиздек жўш урар эрлар, хотинлар.  
Хурмо дарахтлар ҳам тебранар гўё,  
Ғазабга тўлибди бу эски дунё.  
Шербургдан, Тўлондан ҳайдалди расво,  
Киришга муяссар бўлмади асло.  
Минглаб километр кетса ҳам улар,  
Ҳамон авж олар ўша бонг, муштлар.

## II

Бундай қабих юкни туширмаймиз, дер—  
Кўзидан ўт чақнаб ҳар ишчи — докер.  
Оналар тўлқинга қилгудек ҳужум,  
Кет, йўқол, дейдилар, бундан алчоқ, шум!  
Сарбозлар дарғазаб чиқарар овоз,  
Лондон, Вашингтонга бўлмаймиз сарбоз.  
Машинаист дер такрор-такрор сўкиниб;  
Ташимаймен, асло ўлим юкини!  
Кема узоқроқда ташлайди лангар,  
Ғуж юлдуз байроғин пастга туширар.  
Вашингтонлик жаноб қочар Техронга,  
Деколта ичида ўхшаб илонга;  
Эронлик корманди титрайди дир-дир,  
Тинчлик, деб қўзғалмиш шаҳар, қишлоқ, қир.

Соҳилда гувиллар покиза тўфон  
Дарғазаб халқ истар сулҳ, меҳнат, н  
Ғазабли халқ асло кечирмас ёвни,  
Тинчлик душманига билмас аёвни!

## Қ А С А М

Бўйнига тушиб дорнинг сиртмоғи,  
Қатл этилган эрта тонг чоғи —  
Дўстларнинг суддаги оташин нутқи,  
Ғолибларга хос кулгисин ҳаққи;

Пешона тириш қаҳру ғазабдан,  
Ғазаб ёшлари киприкда маржон,  
Аммо қўшиқла кўтарган тугён,  
Енгилмас руҳга эга бу инсон  
Мардлиги ҳаққи ёд этай қасам,  
Шаксиздир гоям, аҳдим мустаҳкам!

Меҳнат мавжсининг қонли ялови,  
Кураш, машаққат, оҳанг, олови,  
Ғалаба тонгин чиройи ҳаққи;  
Зиндонга тушган дўстлар чидаин,  
Минглаб меҳнаткаш чеккан аламин,  
Улар курашин байроғи ҳаққи!  
Партия ва халқ, талаб, инқилоб,  
Кураш қурбони бўлган беҳисоб —  
Жангчилар ҳаққи ёд этай қасам  
Шаксиздир гоям, аҳдим мустаҳкам.

Заволсиз умид, шаксиз ғалаба  
Ёруғ эрта деб бу қора заҳмат —  
Туни кўрсатган буюк матонат;  
Дардли кечалар фикру хаёлат,  
Дилида маҳкам аҳд ила паймон  
Жангга отланган у улуг инсон;  
Хомуш тепалар, совуқ тупроққа  
Аламли нолали, дардли ўртоққа,  
Она юртимга ёд этай қасам:  
Шаксиздир ғоям, аҳдим мустаҳкам!

Халқим, Ватаним ва инсонларга,  
Номи муборак тирик жонларга,  
Шаҳид сукути тўла онларга  
Онт ичаман қалбдан аҳдим мустаҳкам,  
Бузилмас мақсадим, шаксиздир ғоям!  
Сўнмагай дилда орзу ва тилак,  
Сидқим сўнмагай то тепар юрак!





## *Бадеъ Жола*

### МАВЗОЛЕЙДА

Владимир Ильични кўрмоқлик учун  
Минг-минглаб кишилар тураркан қатор,  
Улар орасида мен ҳам бор эдим,  
Ленинни кўришга жуда интизор.

Кремль соати лаҳза-балаҳза  
Жаранглаб вақтни қиларди эълон.  
Ҳамма жимжит, аммо зўр туйғу ичра  
Саф бўлиб оқардик Мавзолей томон.

Хилма-хил одамлар турар бир сафда —  
Қатор бўлиб, ҳисдан тошиб юраги.  
Бири Москвадан, бири Хитойдан,  
Бирининг юртидир гўзал Прага.

Бири Кореядан ҳурматли меҳмон,  
Бунда тожик, туркман, қирғиз, чех, поляк,  
Ҳаммаси — Ленинни кўрмоққа муштоқ,  
Шу орзуда тепар мингларча юрак.

Тинчлигу озодлик ғалабасига  
Ҳамманинг қалбида бир ишонч — тўлқин.  
Бутун жаҳон кўзин умид диёри —  
Советлар юртига тиккандир бу кун.

Қип-қизил юлдузлар гулгун нур билан  
Юксакдан ёритар эди руҳимни.  
Улар қисса айтар ғалабалардан  
Ортдириб дилдаги завқ-шукуҳимни.

Бир соатча ўтгач, кирдим ичкари,  
Мармардан ясалган улуғвор бино.  
Шаффоф шаша ичра таълибди ором —  
Кишилик доҳийси — у улуғ доно.

Ўз кўзларим билан кўрдим яқиндан,  
Ленин ухлар эди тинч ва улуғвор.  
Иқилоб, озодлик асрий доҳийси,  
Янги жаҳон қурган буюк ижодкор.

Бир олам улуғлик олдида аста  
Бошим сокин эгиб турдим бир муддат.  
Ленин сиймосида жамлигин кўрдим  
Зако ва муҳаббат, шавкат ва қудрат.

Ленин қўлларига кўз тикдим такрор,  
Ўйладим: бу қўллар меҳнаткаш халқни  
Бошлагандир олға — озодлик томон,  
Зулмга йўллаган ўту чақинни!

Бир орзум бор эди: тамоми танам  
Кўзга айланса-ю, Ленинга боқсам,  
Бу умид дунёси олдида бир дам  
Тиз чўкиб, меҳридан дилга ўт ёқсам.

Аммо, мен кўрдимки, бошқаларнинг ҳам  
Дилини тўлдирмиш шу қутлуғ орзу.  
Ҳамма тикилганининг нияти битта:  
Қалбига жо қилиш Ленинни мангу.

Юрдиму сўнгги бор ташладим нигоҳ,  
Ушбу нигоҳимда чексиз эҳтиром:  
Қалбим тили билан топширдим шунда  
Халқимдан доҳийга оташин салом!

Ленин сокин ухлар, аммо жаҳонга  
Ғолиб ленинизм сочмоқдадир нур!  
Доҳиймиз Лениннинг фикри ва иши  
Офтобдек кўради миллион йил умр.

Токи, инсонда бор озодлик ишқи,  
Халқларнинг қалбида тирикдир Ленин!  
Коммунизм шаксиз енгажак, чунки  
Ленинизм тирик, тирикдир Ленин!

## С А Н Ъ А Т

Санъат бир кўзгудир — халқларга равшан,  
Фақат мақсад безак эрмас санъатдан.  
Хунарманд бўлса шоир, эл берур ном,  
Эрур халқ — манбау шеърга илҳом.  
Демак, халқ бирладир — шоирлик осоп,  
Қани, инсондан ортиқ мавзу, дoston?  
Ҳаётдан не ёзиб айлабди тасвир,  
Кўнгилга, шубҳасиз, қилгай у таъсир.  
Агар шоир элу юртдан узоқдир,  
Йўқотгай йўлни, ҳар жойда — чўлоқдир!  
На қилгай унмаса элга бирор гул?  
Гулу булбулнинг дostonин ёзиб ул?  
Гулу райҳонга тўлган бирла ул боғ,  
У боғми эл дилин гар қилмаса чоғ?!  
Ёзурлар қорни тўқлар қошу кўздан,  
Яланғоч, очлар безор бу сўздан!  
Қилур кайфу сафо пулдор бойлар,  
Шаробнинг номи очни ғамгин айлар.  
Санъат бу кўзгудир — халқларга равшан,  
Фақат мақсад безак эрмас санъатдан!

Э етти ёшли ўғлон, э уста, э хунаарманд,  
Заргарлик ишхонангда бурчақда тунми, кунми,  
У қўлчаларда не бор, айтғил, нима қилурсан?

У ишми, ё ўйинми?

Заҳдир заҳар ҳавоси, рангинг жуда ўчибдир,  
Қора кўзинг очилмас у қоп-қаро тутундан,  
Сен бир қаноти боғлиқ қушча, учарга тайёр,

Безорсан шу кундан!

Бармоқларинг ёрилган, билдимки, ишга хомсан,  
Дарду аламдин ўзга иш ҳаққи борми сенга?  
Меҳнатда кеча-кундуз, аммо сен оч эрурсан,

Доғлар тўлиб бетингга.

Ўртоқларинг-ла ногаҳ беҳос аста кулсанг,  
Жаҳли чиқиб бақиргай, жаҳли тез, қўпол устанг  
Кулкингни тўхтатмасддан икки бетингга шул да

Шапалоқ урар қўққисдан.

Хўп устасан, хунаарманд, кичкина ёш наққош,  
Чеккан сенинг азобинг бойларга бахту давлат.  
Сен ишлаган қадаҳда соҳибга базм ичра

Лим-лим тўлибди шарбат.

Муъжазгина чекич-ла бул кунда нақш солғил,  
Сен эртага бўлурсан машҳуру элга дoston.  
Ур катта бўлга бирлан, душманиннг бошини ян

Келгуси сенга роҳат!..

Турди зўр мақсад-ла завқу шавқли Эрон ёшлари,  
 То Ҳазар дарёсидан Корунгача минг-минг нафар.  
 Фестивалга йўлламоқчи бўдилар бир даста гул,  
 Гул билан қон жилва берган бир гулистондан улар.  
 Ҳам улуғ Фирдавсийнинг гулшанларидан завқ ила,  
 Тоабод сўлмайдиган гул тердилар хушхонлар.  
 Тердилар райҳон ширин сўз Хўжа Ҳофиз боғидан,  
 Дасталаб Саъдий „Гулистон“ида гул боғбонлар.  
 Кўҳна зўр шавкатли санъат тахтидан деб бир нишон,  
 Уздилар тош гул ажойиб гавҳарий қиймат баҳо.  
 Шубҳасиз, минг-минг атр сочган баҳорни кўрган ул,  
 Кўрмаган кўзлар бу хилда хушнамою хушлиқо.  
 Бир гулидирким, қамаштирди бутун дунё кўзин,  
 Завқ гулзорида сув ичган ажойиб хуш жило.  
 Бир гулидир кўкдаги ҳулкарга ўхшаш нур сочар,  
 Ушбу гулким, кулди Искандар ўтига мутлақо.  
 Исфихоннинг юз баҳорин нақши бор шоҳ масжидин —  
 Гумбази феруза ранг, гўё тиниқ бир осмон.  
 Бир намуна қилгали гул тердилар пештоқдан,  
 Ўймакорлик санъатидан ҳам гўзалликдан нишон.  
 Сочлари сунбул, гиламни соз тўқувчи қизгина,  
 Завқ билан ишхонасига боқди-ю юрди шитоб.  
 Узди бир гул у гиламдан, худди оташ ранг эди,

Тер билан кўз ёшларидан сувлар ичган беҳисоб.  
Бир келин чак нақшларни йўрмадўзлик-ла тикиб,  
Санъат осмонига гўё кўндирар бир офтоб.  
Бир очилган гул кўринди, хом ипакдан эрди у,  
Бир гулким, чеҳраси зебо томиб турган гулоб.  
Ҳаммадан ҳам моҳирона ишлади заргар йигит,  
Соф кумушдан янги гул ижод қилди хўб гўзал.  
Тилладан Олтин бошоқлар ёнида деҳқон қизи,  
Худди бодомдир қабоғи унга боқсанг ҳар маҳал.  
Ўз ҳаётини боғидан ишчи йигит ҳам терди гул,  
Лаҳза-лаҳза жилваси офтобга ўхшаб нур сочур.  
Ушбу гулким шоҳи, барги шухрату ҳам яхши ном  
Кимки ҳидлар ушбу гулни тоабад ҳурматланур.  
Қанчалаб халқ қаҳрамонин қонидан унди бу гул,  
Балки, қурбонлар мозорида ўсиб, жилва қилур.  
Дасталаб келтур кураш боғин гўзал гулдастасин,  
Элга тинчлик ҳам умид, хушбўйларин шул келтирур  
Қон билан гул бор ватаннинг ёшлари ҳам ушбу хи:  
Меҳнатин гулбоғидан бошдан-оёқ Эрондан  
Йўллади бир даста гул тинчликсевар ёшлар учун,  
Дунё бўйлаб фестивалга шўх тараннумлар билан.

Фашизм аждаҳодек огзин очди,  
 Ғазаб ҳирси-ла оламин ютай деб.  
 У ўйларди, зулм ҳам жабр бирлан,  
 Олиб дунёни мақсадга етай деб.  
 Фашизмнинг Олмон эрди макони,  
 У жойдан чўзди қонли панжасини.  
 Йўлимни тўсмасин деб ер юзида,  
 У осди, бўғди халқнинг қанчасини.  
 Умид айларди, олий ирқ биз деб,  
 Жаҳон халқига бўлмоқ шоҳу ҳоким.  
 Сўзи пучдир, зулмнинг зулматини  
 Адолат нуридан зўр, деса ҳар ким.  
 У миллатларни камситмоқчи эрди,  
 Паришон қилди аввал қўшниларни.  
 Оқизди қонлару, сел қилди пайдо,  
 Зулм-ла бузди қишлоғу шаҳарни.  
 У ёққан ўтда қолгач олам ичра —  
 Ҳама миллат унинг корини билди.  
 Фашизм худди „ғолиб“ юрди мағрур,  
 Улуғ мардларни юртига тикилди.  
 Наполеондек юриб у Москвага,  
 Пўлат қўрғонларидан беҳабар ул.  
 Бунинг ҳар гишти минг дилга суянган

Юраклар ҳам сиғинган зўр шаҳар шул.  
Қаю кўз қайси қудрат-ла боқолгай,  
Унинг ҳомиси гар меҳнатчи элдир,  
Ҳужумга ўтса юлдуздай у тутиб саф,  
Бу қўрғон остида ўлгай у Гитлер.  
Бориб кўрди у жоҳил, эрди ғофил,  
Улуғ халқ бирлиги мустаҳкам эрди.  
Ҳужум қилди Қизил Аскар билан халқ,  
Йигит-қиз, ишчи-деҳқон бардам эрди.  
Қилиб мардона жанг душманни буткул,  
Ватан тупроғидан ҳайдаб, емирди.  
Фашизмнинг инига ўт қўйиб халқ,  
Разилнинг лофи-қофин ерга урди.  
Жаҳон мазлумлари ҳам бўлди озод,  
Зафар бирлан, севинч-ла бўлди байрам.  
Кремль устида у ёқут юлдуз  
Кулиб оламга нур сочмоқда ҳар дам.

ЮР, КАРВОНДАН КЕЙИН ҚОЛДИНГ!

Эй, сен Эронимнинг хандон аёли,  
Бу гўзал боғимнинг гули, чиройи.  
Истиқбол онаси, мардонаси сан,  
Сен меҳру вафонинг дурдонаси сан.  
Сен у нокасларга қул токайгача?  
Бўлмоғинг хасларга гул токайгача?  
Гул юзингни чимматинг токай тўсар?  
Дунёдан токай юрарсан беҳабар?  
Хур жамолингни ёпарсан не учун?  
Нур сочувчи ойни беркитдинг нечун?  
Чўрилиқ, бу зорлиқлар энди бас,  
Нотавонлиқ, хорлиқлар энди бас!  
Эй азизим, ҳимматингни ишга сол,  
Бўлмасин энди ҳуқуқнинг поймол.  
Эпчилу абжир бўлу, чаққони бўл,  
Қўрқма, йўлнинг довюрак карвони бўл!  
Бўлгил элга раҳбару доно вакил,  
Уйда ётма, олға бос, юргил дадил.  
Сен агар мажлисда кўрсатсанг ўзинг,  
Сочса нур мажлисга у ойдек юзинг,  
Сенга душман бўлгай Эрон душмани,  
Жону жаҳд ила ёмон кўргай сени.

Ул сениким кўчага ҳеч қўймагай,  
Сенга ўхшашларни ҳам хор айлагай.  
Солма душманга қулоқ, бўлгил равон,  
Юр, қолибсан кетди олға карвон.

Сочимда тола соч пайдо бўлибдир,  
 Унинг ярми қаро-ю, ярми оппоқ.  
 Мисоли ярми кундуз, ярми тундек,  
 Қаро тол барги, ярми қордана оқ.  
 Шу бир тола сочим афсона айтур,  
 Қариликдан, ҳам ўтган ёшлигимдан.  
 Кўриб сочимга оқ тушганлигидан,  
 Ҳаётимданми мен афсус егайман!  
 Бу сўз бемаъни, йўқ! Йўқ!  
 Бу умрим ўтмади беҳуда ҳаргиз,  
 Ўтса ҳамки алам, азобда.  
 Мен ўз умримни дерман хўб муқаддас,  
 Кураш бирлан азоб асри шу тобда.

Уруш, кулфат қоришган асрдир бу,  
 Бу аср ичра ўликлар уйғонибдир.  
 Жасаллар ўртаниб, кўп ташна лаблар,  
 Ғурур, қаҳру ғазаб-ла йўлланибдир.

Бу аср устида номуснинг юки бор,  
 Туну кун тўқлар шодлик-ла ҳир-ҳир.  
 Азобсиз, жойи иссиқ, кўрпа юмшоқ.  
 Мушукдек айлашур ухлашда хир-хир.

Мен эрсам, оддий инсон ошиқиман:  
Ўт ичра ўртанур бошдан оёғи.  
У чақмоқдек чақилган тезу чаққон,  
У ғайратли жасур мардлик чироғи.

Сочимда тола соч пайдо бўлибдир,  
Унинг ярми қаро-ю ярми ошпоқ.  
Деманг оқ тола сочни кўрганимда:  
Бўлурман ғамгину ҳасратли бул чоқ.  
Бу сўз нотўғри, йўқ! Йўқ!  
Тамом бўлмайди ёшлик менда ҳаргиз.  
Яшар фарзандларим-ла кўп замонда.  
Гўзал мақсадга етггай бахтли авлод,  
Менинг ўрнимга барқ ургай жаҳонда.

Урушдан, ваҳмадан, маъюсликдан  
Мудом келгуси шоирлардир озод.  
Учар қушлардай сайрар боғларида,  
Етишган бахтидан доим бўлиб шод.

ОНАЛАР ТИНЧЛИК ИСТАЙДИЛАР

Дилни мафтун этувчи гўдак,  
Шод ҳаётим тотли меваси,  
Юзинг равшан тиниқ, кўзгудак,  
Ёшлигимнинг унда жилваси.

Ўтган азиз умрим баҳори  
Табассум-ла чеҳрангдан боқар.  
Келгуси бахт-иқбол чароғин  
Юрагимда кўзларинг ёқар.

Икки кўзинг — бахт юлдузидир,  
Менинг бахтим каби дурахшон.  
Ҳар нафасинг дилга шифодир,  
Танга ҳаёт ва роҳати жон.

Ҳалқа қилиб митти қўлларинг  
Гарданимга ташлаган чоғинг,  
Назаримда гўё бир дунё —  
Бахтни қамраб олур қучоғим. —

Боласига бўлади фидо  
Ана шундай она — меҳрибон.  
Қувноқ ёшлик, азиз умрини  
Фарзандига қилади қурбон. —

Жажжи болам, сен жону дилим,  
Нечун бевақт ўлмоғинг керак?!  
Нечун, эркам, ҳаётим, гулим, —  
Очилмайин сўлмоғинг керак?!

Манглайингга гар қўнса чибин,  
Қалбим бирдан зирқираб кетар.  
Ўт тутшиб, нечун ёшлигинг  
Ва бахтингни кул-тупроқ этар?!

Бу оламга уруш ваҳмаси  
Солганларга ҳазор-минг лаънат, —  
Айтмоқдалар оналар букун,  
Айтажаклар эрта ҳам албат.

Биз тинчликни мустаҳкам сақлаб,  
Шод этамиз бутун жаҳонни—  
Нурга кўмиб, обод этамиз,  
Бирлаштириб ҳамма инсонни.

Ғам ёшимас онанг кўзида,  
Умид, ғазаб ўти ялтирар.  
Истаймизки, мовий фазода  
Бомба эмас, учсин кабутар!

## ХОТИН ВА ОЙ

Бир хотин кўзгуда кўриб ўз аксин,  
Беҳад чиройига ўқиб минг таҳсин,  
Баркамол ҳуснидан бўлиб маст, сурур,  
Кўркем жамолидан ниҳоят мағрур,  
Кўзгуга тикилиб бўлди маҳлиё,  
Ойдан ҳам гўзалман, деди беибо.  
Ой чиройли, аммо менчалик эмас,  
Ой ҳусни ҳуснимга сира тенг келмас.  
Ойда йўқ тангрининг барча сирлари,  
Наргис каби кўзи, зар кокиллари?  
Қачон турган ой мен каби чарақлаб,  
Нима қилсин унда ширин-шакар лаб?  
Жамолим нуридан менинг ҳар маҳал  
Кечанинг ойлари бўлур мунаввар.

Кўзгудан қайрилиб қилганда нигоҳ,  
Нуроний ой юзин кўрди баногоҳ.  
У, тоғлар ортидан кўрсатиб юзин,  
Мунаввар этарди уфқ, ер юзин.  
Ойнинг жамолини хотин кўрган чоқ,  
Тутди ҳасадидан вужудин титроқ.  
Леди: ой, мен сени қиламан нобуд,  
Уфқ саҳнасидан йўқотаман зуд!

Тоғнинг устидаги қалъага бориб,  
Банд этарман сени осмондан олиб.  
Зиндонга ташларман эшитмай узринг,  
Муқаррар ўласан, битасан ўзинг!

Ҳаяжон-ла туриб ўрнидан шу он,  
Ғазаб билан чиқиб кетди дашт томон.  
Тортди йўл азобин тоққа етгунча,  
Чиқди тоғ устига тирмашиб шунча;  
Қўлин чўзган эди ёрқин ой томон,  
Сирғониб йиқилди тоғдан ногиҳон.  
Тошдан-тошга тегиб урилиб юзи,  
Эси кетиб юмди иккала кўзин.  
Ой, хотин бошига нурини сочиб,  
Оҳиста ўпди-да, кулиб лаб очиб,  
Деди: ернинг ойи, кўп мағрурланма,  
Ҳақиқат сиридан беҳабар бўлма.  
Гар билмоқ истасанг жамолим сирин,  
Қулоқ тут айтаман мен сенга барин:  
Ўзгалар чароғин тунлар ёқаман,  
Ҳар кимса сўраса унга боқаман.  
Қаерда бўлмасин кулбаи вайрон,  
Қаерда бўлмасин бечора, бенон,  
Уларнинг устига сочаман нурым,  
Тугаса ҳам майли мадорим, умрим.  
Ғариб, фақирларнинг мен тунги шами,  
Нурымдан мунаввар гўдаклар шоми.  
Эй хотин, ер ойи, қил яхши одат,  
Жоладек тўкма ёш, ахтар ҳақиқат!

## ВИСОЯ ШАВҚИ

Биз эдик қирғоқда оқшом, ёнимиз дарё эди,  
Борму ёдингда, шафақ қандай гўзал барно эди?  
Ўтли эрди, товланарди кўзга осмон сийнаси,  
Дилларимиздек қуёш қалбида, ўт пайдо эди...  
Парча-парча қип-қизил эрди булутларнинг юзи,  
Жилвалик кўк шишадек, осмон юзи зебо эди.  
Мавжлар устида ойнинг жилваси ёдингдами,  
Манзара қандай ажойиб, хўп гўзал сиймо эди.  
Гоҳи юлдуз ҳам булут остига биздан беркиниб,  
Гоҳи бенур йилт этарди, анча дил оро эди.  
Титрар эрди ой, азим дарё қучоғида, уни —  
Дер эдинг, шовқи-ла хўп сабр этгучи доно эди.  
Ул кун ёдингдами, ҳуснингга тўймак ишқида  
Қанчалик бу Жола хурсанд эрди-ю, шайдо эрди.

## ГУЛ САЙРИГА КЕЛ

Кел э, гул сайрига, дўстим, бўлайлик шоду хандон биз,  
Кел э, мастона булбулдек, бўлайлик шўх ғазалхон биз.

Кел, энди лоладек яшнаб кулиб, дўстлар муродича,  
Бўлайлик меҳр-ла тўлган кўнгулларга намоён биз.

Кел энди меҳр уйида биз ёнайлик шамдек равшан,  
Бўлайлик севгиининг базмин чироғи, роҳати жон биз.

Кел энди рақс этайлик ер юзида завқу шавқ бирлан,  
Садо чиққунча ердан, ерга то бўлгунча пинҳон биз.

Кел энди, пок этайлик юзни ман-манлик губоридан,  
Бўлайлик нотавон бечоралар дардига дармон биз.

Наҳот бир нон учун, номардга қул бўлсак, бу номардлик,  
Агар сотсак кумуш олтинга қалбу — жону виждон биз!

Кўнгулни овламоқ — сидқу вафо бирлан келур қўлдан,  
Кел э, Жола каби, доим бўлайлик бир тану жон биз.

Жом ичинда қатра май ҳам, кўзда бир нам қолмади,  
Дилнинг оҳи қайда, олмоққа нафас, дам қолмади.

Терга фарқ бўлди, хижолат бирла пешонам менинг,  
Бу кўнгулни дастидан обрў сира ҳам қолмади.

Дину дониш, ақлу хушимни олибдур севганим,  
Кимса дилдан очса сўз, жон [айтди, ул ҳам қолмади.

Дафтаримда номидан бошқа ёзилган ҳарф йўқ,  
Фикридан бошқа дилимда, менга ҳамдам қолмади.

Сендан айру тушдим, э покиза ранг, хушбўй гул,  
Йўқ таним боғида гул, ҳаттоки шабнам қолмади.

Интизорингда оқарди кўз қароси, э нигор,  
Бошдаги сочим қаросидан асар ҳам қолмади.

Қилма кўнглумдан гумон, ҳуснингга боққандан кейин,  
Кўзим олдида, гўзал ҳатто бир одам қолмади.

Доимо васлинг учун, эрди кўнгул бирлан талош,  
Кўрдиму дил бирла менда заррача ғам қолмади.





## *Муҳаммад Али Афрошта*

ИШЧИ БИЛАН ХЎЖАЙИН

Ҳамиша, ишчи аҳли, сиз билан ман;  
Йигит, қиз, эру хотин ҳамма бирлан.  
Қўлимда қанча ишхонам, ишим зўр,  
Йўқ, устоз, мен ўзим, танҳою мағрур.  
Вазир ҳазрат — куёвим, дўсту жоним,  
Амир ҳазрат қизи — қайлиғим, ойим.  
Қўмондон катта синглимининг эридир,  
Куёви зўр амалдорнинг биридир.  
Ота-боболарим ўтган амалдор,  
Очиқ машҳурликка ҳужжатим бор.  
Жуда топ-тозамиз авлод-авлод  
Улар ҳам мен каби ҳуру паризод.  
Бу юртларда улуг фармонимиз бор,  
Етарлик расми-русму шонимиз бор.  
Ҳама катта-кичик мен бирла ҳар дам,  
Меним-ла ҳамнаво, ҳамшоду хуррам.  
Ҳама катта амалдор яхши дўстим,  
Қилурлар на десам, шу хилда ўсдим...  
Баланд мансабда, ҳар бир катта жойда,  
Бири албатта биздан ҳар саройда.  
Бериб телефон, ва ё айтиб юборсам,  
Келурлар тўхтамай, албатта, шул дам.  
Агар ҳайдаб юборсам ҳаммани ман,  
Деёлмас ҳеч киши, сен на қилурсан?

Кучим етгай юборсам мен қамоққа,  
Буюрсам мен тутарлар хўп таёққа.  
Бу кун мен сизга бир фармон берурман,  
Қулоқ солинг сўзимга на деюрман.  
Эшитдим манки, қайнабсиз, тошибсиз,  
Бир оз эрмас, жуда ҳаддан ошибсиз.  
Эшитдим баъзингиз нодон бўлибсиз,  
Можаро қўзғатиб шайтон бўлибсиз.  
Эшитдим манки, бордир раҳбарингиз,  
Макону, ҳужжату ҳам дафтарингиз.  
Эшитдим манки, сизлар бирлашибсиз,  
Ҳама бир тан бўлиб қўл ушлашибсиз.  
Бу ерда ҳар кеча бор ҳамдамингиз,  
У жойда ҳарна бор, маҳкам эрурсиз.  
Бу сўз такрор эмиш сизларда ҳар он:  
„Яшасин ер юзида ишчи деҳқон!“  
Ўзингиз хоҳлагунча ўлтурурсиз,  
Чиқиб минбарга нотиқлик қилурсиз.  
Демишсиз: ишчилар уйин амалдор —  
Бузиб вайрона қилди, ўзини хор!  
Сўзингиз иш ҳақини камлигидан,  
Амалдорларни базму байрамидан.  
Қарйлик ваҳмидан сўзлар қилурсиз,  
Касаллик, нотагонликдан деюрсиз.  
Боринг майли, бу сиз айтганча бўлсин,  
Ҳама мол сизники хўб! Айтингиз чин.  
Нечун бундай аламлар, бу ўйинлар?  
Ва ё сиз большевиксизлар муқаррар?  
Бу сўзни айтасиз роҳат берур деб,  
Ширин бир мевадек лаззат берур деб.  
Бу сўзни сизга ўргатган ўзи ким?  
Деюрсиз доимо, бўлмай сира жим.  
Мудом уйқудан элни уйғотурсиз,  
Яшашга туйғуларни қўзғотурсиз.  
Бу қандай воқиа, ғам бирла мотам,

На ишлар қилғай одам! Одам! Одам!  
Қўлимда бу ўйинчоқ муҳрани кўр,  
Улоқтирсам буни синмоққа мажбур.  
Менинг наздимда, сен ишчи ўйинчоқ,  
Ҳуқуқсиз, нотапонсиз балки тупроқ.  
Менга сендан азиз муҳрам бутунлай,  
Синиб қолса у пул бирлан топилғай.  
Агар нодон бўлиб кетсанг ишимдан,  
Текинга бошқа ишчи келтирурман.  
Шу хил, давлат, бу мажлис бизники, жим!—  
Сўзингизга қулоқ солмайди ҳеч ким!—

\* \* \*

Амалдор ҳоли шулдир, ишчи-деҳқон,  
Унинг фикрин эшитдинг, ётма, уйғон.  
Сенинг қонинг билан мастдир бу жоҳил,  
Шу пайт ол ҳалқумидан, айла қойил!

## СОЛИҚ

Эрта тонг саҳарда чиқмасдан қуёш,  
Наргис уйқусидан кўтармасдан бош...  
Мешди Ҳасан деган камбағал боққол,  
Оила бошлиғи аялманд бир чол,  
Дўконин очади дуолар ўқиб,  
Ичида минг марта шайтонни сўкиб.  
Дейди: „Эй худоё, ўзинг бўлгин ёр,  
Насяхўр хардорни юборма зинҳор.  
Ўзи инсофлигу нақдчи ва пулдор —  
Харидорлар бўлсин толеимга ёр.  
Бенасиб этмагин лутфи атодин,  
Ҳасанни сақлагин офат балодин!“ —  
Куф-суф деб, фотиҳа тортди юзига,  
Бармоқларин сурди қошу кўзига.  
Қаради тарозу тошини созлаб,  
Шўрликнинг вужуди совуқдан музлаб.  
Яхши ё ёмон бир харидор келмай,  
Ҳатто ғаладонга қўлини урмай,  
Қараса бир одам қўлида портфель,  
Илоннинг юзидек совуқ ва бадфеъл,  
Сўради: „Сенмисан Мешди Ҳасан?!“  
„Ҳа“ деди.  
У деди: „Бирга юрасан!“

„Қаерга, на учун, нима сабабдан?“  
 У деди: „Келдим молия тарафдан!  
 Бўйнингда юз мингу ўн етти риял,  
 Ўтган йилги қарзинг, тўла мукаммал!“  
 Дер бошлиқ ноиби — у олижаноб:  
 „Йўқ десанг, буюргим ўлимга шу тоби!“  
 „Отахон, балки, сиз адашгандирсиз?“  
 „Вайсама, қани юр, йўлга туш, сўзсиз“.  
 „Арзимни эшитинг?..“  
 „Бас, кўп гапирма!“  
 „Лаънат шайтонга!..“  
 „Ҳақорат қилма!“  
 „Мендек олий зотни „шайтон“ деб сўкдинг,  
 Хизматим устида обрўйим тўкдинг!  
 Фалон модда билан бу сўзинг, малъун,  
 Далил Бандар-Аббосга қилишга сургун.  
 Мен сени элтаман бошлиқ қошига,  
 Муқаррар топширар полис<sup>1</sup> бошига.  
 Агар у ёзаркан устингдан қарор,  
 Сен аблаҳ, бўларсан парча нонга зор!“  
 Ҳасан ажабланиб деди ҳайратда:  
 „Солиқ тўлайдими, фақир одатда?  
 Солиқни тўласин савдогар, тўғри,  
 Урушдан бойиған муттаҳам, ўғри!  
 Уларнинг бойиши фақир қонидан,  
 Бева-ю, есир-у сағир нонидан!  
 Башарти, адолат бўлсайди агар,  
 Осарди уларни дорга муқарар!  
 Пора билан улар солиқдан озод,  
 Бу зулм дастидан кимга дейсанг дод“.  
 У деди: „Қўй, етар, чўзма гапни, бас,  
 Сенинг бу ашуланг бизга керакмас!“

<sup>1</sup> Полис — полиция

Косиб дер: „Бизда йўқ тўлашга илож!“  
„Ўлсанг ҳам тўлайсан ҳукуматга бож!  
Сенинг нурсиз боқиб термулган кўзинг,  
Шубҳалик кўринар, айт, кимсан ўзинг?  
Касбинг бир боққолу, кўп бурро тилинг,  
Тўғри эмас сенинг касофат дилинг!  
Кимнинг тили бўлса, аччиқ ҳам дароз,  
Хизби тўда<sup>1</sup> аъзоси ул майнабоз!  
Фикри бузуқларнинг ҳолини бил шундоқ,  
Уларнинг молига йўқ шафқат мутлоқ.“  
Шу куни кечқурун ёпилди дўкон,  
Ҳисоб-китоби ҳам бўлди тез тамом.  
Мешди Ҳасан топмайди бу дардга илож,  
Ундирилди ундан қонунсиз хирож...

---

<sup>1</sup> *Хизби тўда* — Эрон халқ партияси.

## ҚИШЛОҚ ЭЛИ

Сен билан хон ҳаққи қанча, айтчи, жон қишлоқ эли?  
Қанча фарқ бор ўртада, қилғил баён, қишлоқ эли?  
Нега ул масту аласту, айшу роҳатда мудом?  
Нега сен бундай харобу нотавон, қишлоқ эли?  
Нега бойнинг ризқидир бойлик, хазина ганжлар?  
Қисматинг нега азобу юз фиғон, қишлоқ эли?  
Не учун итга насиб бўлмиш узумнинг яхшиси,  
Икки қўл бурнида тоқай боғбон, қишлоқ эли?  
Каклигу ўрдак, товуқлар келтирурсан доимо,  
Қиймалаб ер катталар, қандай замон, қишлоқ эли?  
Ошқозонинг ишламас, меъдангда қувват йўқмикин,  
Ёки ўттиз икки тиш йўқ сенда, жон қишлоқ эли?  
Ёки доктор, ё табиблар ема деб ман этдим,  
Сенга нондан бошқа неъмат деб зиён, қишлоқ эли?  
Пахта, пилла, жун ажойиб меҳнатингнинг ҳосили,  
Сен яланғоч не учун, ҳолинг ёмон, қишлоқ эли?  
Кўйлагингни остидан ё балки юмшоқ барралар,  
Санчилар жисминга наштардек ҳар он, қишлоқ эли?  
Сен, худонинг хоҳиши, дерсан бу ишларни мудом,  
Ўртага солма худони, бағри қон қишлоқ эли!  
Бандаларнинг дўсти ёри, меҳрибонидир худо,  
Хоҳламас ҳаргиз уларга бир зиён, қишлоқ эли!  
Қўй, керакмасдир худога, унда йўқ аҳлу аёл,

Қилмагай қўйларни ҳаргиз имтиҳон, қишлоқ эли.  
Бу қаламкаш ушбу хил ҳақ сўзни ёзди, негаким,  
Шайхи шайтонга бу сўздан йўқ омон, қишлоқ эли.  
У қаламкаш хон ити ҳаққида тебратди қалам,  
Турма бўлмиш жонига дармон, макон қишлоқ эли.  
Сен учун лекин ғаму мотам, ўлимдан сўзлади,  
Ёки нодондир қаламкаш, бу гумон, қишлоқ эли.  
Қанча хил беҳуда сўзларни қулоғингга қуюб,  
Босди устингга тўқим бой кўп замон, қишлоқ эли.  
Ким демиш: бир-икки ҳайвонга бир ўлка халқлари,  
Айласин жонин фидо, ютсин-да қон, қишлоқ эли.  
Не учун сақлаб юурсан уйдаги ов милтиғинг,  
Чўчқа отдинг не учун, кўз оч шу он, қишлоқ эли.  
Чунки ҳайвонот музейсига келтиргай зиён,  
Чорасиздир бу гуноҳинг, бўл амин қишлоқ эли.

## ҚОПҚОНГА ТУШГАН ШАҒОЛ

Эй ифлос тана, эй сассиқ шағол,  
Қопқонга тушиб қолибсан баттол?  
Нима ҳаққинг бордир, айтчи, эй олчоқ,  
Нега тарвузларни қиласан мажоқ?  
Сенда бор на касбу ҳунардан хабар,  
Айт, сени ким этди бу кун муътабар?  
Тунларда полизда тентиб чопасан,  
Товуғми, хўрозми — олиб қочасан?  
Сўрамай ижозат, олмасдан рухсат,  
Деҳқонлар экинин янчасан фақат?  
Мулкдормисан, сўрайсан экин ҳаққи?  
Ё шайхмисан, сўрайсан дин ҳаққи?  
Агар бирон хўроз қичқирса бевақт,  
Эшон учун ғоят кутилмаган бахт?  
Сайитмисан, хўжамисан, эй бадзот,  
Биз сени қилайлик солиқдан озод.  
Ёки сен қилдингми ерни парвариш,  
Пайғамбар қилгандек кароматли иш?  
Башарти сен бўлсанг дарвеш-муқаддас,  
Хирмон бошида ол ўз хиссангни, бас!  
Муқаддас динни биз бир томон қўйиб,  
Кўрайлик мажлиснинг золига кириб.  
Сен миршаб бошими, ёки ўрмончи,


Сини лачими ёки навбатчи?  
Солдатга оласан штаб номидан,  
Солиқ ундирасан деҳқон донидан.  
Ҳа, жандармерия сени юбориб,  
Дедими: товуғин олиб кел бориб?..  
Ё товуқнинг иши судга тушдими?  
Ё таҳқиқ этилган жойдан учдими?  
Ёки сен бўлдингми юртга оқсоқол,  
Ё шаҳарга ҳоким, айтчи эй, шағол?  
Ёки сенда борми вазирнинг хати?  
Ёки бордир сенда амир рухсати?  
Вазирлар бошлиғи, сени шубҳасиз,  
Боғчанинг ҳокими қилгандир, сўзсиз?  
Балки, алоҳида идора, айтчи,  
Ё бўлиб келдингми, бир назоратчи?  
Айтчи, бу дунёга келгандан буёқ,  
Бирон марта қўлинг бўлганми қадоқ?  
Кўрганмисен, айтчи, совуқ шиддатин,  
Ё иссиқ азобин, дунё меҳнатин?  
Мудом пешкашлар-ла бўласан, номард,  
Бир умр иш қилмай, қўлинг кўрмай дарди

Яхши, агар бўлса вазиятинг, айт,  
Кўнглингда бўлса ҳар қандайин ният?  
Муқаррар терингга тикаман сомон,  
Шубҳасиз, осарман, бермасман омон!

Дор сиртмоғида ўйнагин андак,  
Булғорларнинг баъзи вазирларидак.  
Деҳқондан бу сўзни эшитиб шу чоғ,  
Шағолнинг қалбидан чиқди ўтли оҳ.  
Деди: афсус, афсус, тадбирсиз инсон,  
Сичқонларга шеру, шер олдида сичқон!

Бир жўжа ўғриси осилса, деди,  
Ўнлаб қишлоқларни омалдор ейди!  
Бир тарвуз ўғриси бўлса лойиқ дор,  
Юз қишлоқ талади жаноби сардор?  
Зулукдек сўрмоқда деҳқон қонин эшон,  
Аслзодалар ҳоким ва аъён?  
Сенда бўлса эди ақл ва камол  
Уларнинг барчасин дер эдинг шағол.





**Муҳаммад Али Жавоҳирий**

С Е Л

1

**Биз томчилар**

Зарра-зарра,  
Қатра-қатра  
Томчилардан  
Йиғилишиб,  
Бир бўлишиб келамиз,  
Катта-катта,  
Улуғ-улуғ  
Дарё ҳосил қиламиз.

**Биз дарёлар**

Секин-секин  
Оқим-оқим  
Қўшилишиб  
Бирлашиб  
Селларга айланамиз.

2

Жўшқин уриб тўлқинланиб,  
Қайнаб ўйнаб тошамиз.  
Йўлдаги ғов, тўсиқларни

134

Мажақлаймиз ошамиз.  
Зарбамиздан тоғ ва чўққи,  
Қасрлар титрар мутлоқ  
Олдимизда кумуш бадан,  
Муҳтарамлар ўйинчоқ.  
Олтинданми, ёғочданми  
Бешик ҳам бўлса агар,  
Тўлқинимиз қаршисида  
Қадр-қиммати баробар.

### 3

Жўшқин уриб, тўлқинланиб,  
Тошамиз қайнаб, ўйнаб,  
Ҳар қандай тоғ, дара, дўнгни  
Кетажакмиз текислаб.  
Мутакаббир, мағрурларни  
Теп-текис қилиб тенглаб.  
Жўшқин уриб тўлқинланиб,  
Қайнаб-ўйнаб тошамиз.  
Йўлдаги-ғов тўсиқларни  
Мажақлаймиз ошамиз.

## ШУМ АЛЛА

### *Ёки капиталистларнинг халқаро куйи*

Эй ишчи-ю, заҳматкашу, меҳнаткаш қул деҳқон,

Аллаё алла, аллаё алла!

Меҳнатингиз билан тўлсин бизларнинг катта ҳамён,

Ишланг бизга, тўймас сира бизнинг бу оч жиғилдон,

Биз сизларга меҳрибонмиз, сизларга ғамхўр чўпон,

Аллаё алла, аллаё алла!

Бизга газмол тўқингизлар, сизга кафан этамиз,

Биз сизларга ҳимоячи, ўқингиз-ла отамиз,

Биз сизларга ақл идрок, ҳеч эътироз қилмангиз,

Аллаё алла, аллаё алла!

Бизлар учун уйлар қуринг, бизлар унда турайлик,


Бизлар учун урушингиз, бизлар давр сурайлик,

Сулув-сулув қизингизни олиб ишрат қурайлик,

Аллаё алла, аллаё алла!

Жон аяманг, дам аяманг, бизлар мол-мулк йиғайлик,

Уз тартиби, йўли билан сизни гўрга тиқайлик.



## С о я

### КАРВОН

Пайти эмас, Галя!

Севгининг афсонасидан менга айтма дoston  
Энди мenden ишқ куйида тараннум излама,  
Пайти эмас, Галя!

Билгил йўлга тушди карвон.

Сен билан ишқим менинг?.. Оҳ.

Бир хаёлотдир бу ҳам.

Билгил аммо, бу замонда кўп киши дармондадир,  
Кечқурунлик нон учун.

Ишқдан энди ҳикоят этгали йўқдир мажол.

Сен туғилган кунни шодлик-ла нишонлаш кечаси,

Ёқмоқ истарсан уйингга элик, олтмиш шамчироқ.

Ўлкада сен бирла тенгдош қанча минг қиз шул кеча

Очу ҳам жулдур тўшакда ухламоқда, дилда доғ.

Бул момуқ бармоқларинг ўйнайди нозли хўб гўзал,

Завқ ила чертмоқда соз,

Лекин ул минглаб тўқувчи қизга боқсам шул замон,

Кир босиб, бармоқларидан дам-бадам томмоқда қон.

Жонидан тўйган азоб-ла тор қафас ишхонада

Меҳнатига арзимас бир пулки топгай кечгача,

Сен гадонинг косасига ташлаб ўтгайсан уни.

Бу палоским ранг-баранг рақсингда бўлмиш поймол,

Алвон-алвон ранглари инсон дилининг қонидан.

Ҳар ўрим арқоқ, тўқилган гулларининг жилваси  
Элдаги турли азоблар бирла хор виждонидан.  
Бунда минг-минглаб муқаддас орзу барбоддир,  
Қанча минглаб навқиронликнинг сўнибдир гулхани.  
Бегуноҳ минглаб ширин гўдакчаларнинг қўллари,  
Қанча минг қизлар кўзи нурсиз, мажолсиздир тани.

Пайти эмас, Галя!

Ушбу дам байту ғазалнинг, бўсанинг вақти эмас,

Ўт билан қон ранги бор ҳар нарсага боқсанг шу он,  
Қўлни қўлдан, лабни лабдан айрув тутмоқ вақтидир,

Бу ҳаёт исёнидир!

Кулмағил менга, жувон!

Мен учун нозик нигоҳинг лаззати бўлсин ҳаром!

Соф қалбимга висолинг лаззати бўлсин ҳаром!

Дўстларим зиндондадирлар,

Панжара, темир қаронғу саҳни зах уйлараро,

У узоқ „Хорақда“ ким, ҳар бир қадамда тиф касал,

У қаро дўзахни ҳар бир бурчагида доимо.

Ҳали вақт эрта, Галя!

Севгининг афсонасидан ўқима сен дoston,

Мендан ул ишқу муҳаббат куйларини излама,

Вақт эрта, Галя!

Етиб келмабди ҳозир қарвон.

Бир куниким, тонгнинг нурони баҳодир қўллари

Чок-чок этгай тун пардасин ханжар билан.

Бир кун бўлурким офтоб

Ҳар уйни порлаб ёритар,

Кун келур, мардона сафдошларнинг муштоқ лаблари

У йўқотган шўх табассумларни топгай қайтадан.

Шунда мен ҳам қайта келгум ишқ изҳор этгали,

Бўсаю, байту ғазал, шўх-шўх тараннумлар тамон.

Дилга роҳат гул билан тўлган баҳорлар сайрига,

Ишқим юрар сенга томон!

## НОЗИМ ҲИКМАТГАЇ

Худди қайноқ бўсадек,  
Ё қизил гунча каби,  
Қонга ғарқ бўлган зафар байроғидек,  
Ушбу ўтлиг дилни тутдим сен учун, Нозим Ҳикмат!  
Бир менинг қалбим эмас,  
Севган уйингдир ҳамма жой:  
Эр-аёллар қалбида,  
Мардоналар кўнглида ҳам,  
Фаҳм этди ҳар кимса дили,  
Чин умидинг сози берган муждани.  
Унда ҳар бир туну кун,  
Бошқа тус олгай ҳаёту, янги расму қонда,  
Ҳаёт! Э ҳаёт!  
Бул ҳаётдек ул мудҳиш эмас,  
У эмас бундай ҳароб,  
Бўлмагай бундай ҳаром,  
Бунга ҳаргиз ўхшамас.  
Сен билан мен дунёга келган ватанда на қилур,  
Синдирур ерга уриб,  
Сен каби порлаб ёнувчи шабчироғни беаёв.  
Ўз туғилган юртининг осмонидан ҳайдар бу кун  
Тонг отишдан мужда берган сен каби юлдузни ёв!  
Лекин, э Нозим Ҳикмат!

Сен каби бир офтоб,  
Хоҳлаган жойга борур,  
Ҳамма жой унга ватан.  
Яхши билурсан, Нозим Ҳикмат!  
Бир парча қоғозга ёзиб,  
Ҳеч киши бировнинг ватабини ололмас,  
Чин ҳақиқатдир бу сўз.  
Эй Ҳикмат, ёруғ юлдуз!  
Шарқу Ғарб таърифнинг этмакда чунон,  
Жонга роҳат бергувчи созингни оҳангин бу кун,  
Токи карлардан эшитди карлару, уқди жаҳон.

Бойқушлар...

Бу қоронғу юртимизда ҳар нафас  
Ерга урмоқда олиб

Қайда бўлса бир ёниб турган чироғ.

Боғимизнинг гунчаю ҳам гулларин

Зулм ила айлаб хазон.

Тўкди тўнғизлар оёғин остига,

Кўршапалак комига,

Парда тортарлар,

Нурони юлдузни тўсиб.

Ҳар нафас жон куйдириб,

Бу хароб бўлган қоронғуликка доим ўт қўяр

Лекин унда ҳар тирик жон борки, истар чин  
ҳаёт,

Худди офтоб нуридек,

Бизнинг томирда жўш урар!

Сабр тупроғидан унгай у йўқолган гул яна,

Гунчалар пайдо қилиб бемакр қилгай тантана,

Элга бу гунча берур кўп хушхабар,

Тонг гулининг ҳуснидан.

Роҳат эт, сенга қуёш ёзган зар алвон кўрпада,

Соз қил созингни, чертгил энди, Ҳикмат, янграсин.

Бу жаҳон халқин қулоғига қуюлсин шул замон.

Қўшиқларингни дам-бадам

Сен қуёшнинг ёғдусидек соч бутун,  
Токи карлардан эшитсин карлару, уқсин жаҳон!  
Бойқушлар, кўршапалақлар  
Қўрқадирлар чин умид овозидан,  
Қўрқадирлар тонг отишдан ўғридек.  
Куйлашайлик, шеър ўқийлик бирга, э жон ўртоғим,  
У шафақнинг қонли, кучли яллasi,  
Тонг отишнинг сози, қаҳ-қаҳ кулгиси,  
Созимиз оҳангидир —  
Келгусининг сўзлари,  
Қалбимизнинг янги илҳоми-ю, янгроқ қўшиғи,  
У муқаддас келгусининг лаблари!





**Али Муиниён**

**УЛУҒ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИ**

Тонгда бўстондан сабо юрди ёқимли мен томон,  
Хушхабар келтирди у, кирди танимга янги жон.

Шу қадар қиймат баҳодирки кетирган муждаси,  
Бермағай ҳар кимга ҳам бекорга бундан бир нишон.

Телеграф, на радио берди менга маълум хабар,  
На хабарлар марказидан қўлда бордир бир баён.

Хушхабар ким менга берди субҳидан у тоабод,  
Бир улуғ байрам келур деб дилни қилди шодмон.

Энг улуғ байрам –муборак Октябрнинг байрами,  
Бу азиз байрам билан хурсанд бўлур жумла жаҳон.

Ташрифидан шод бўлиб дилларга тўлди шавқу завқ,  
Хуш келибсиз дер ҳама бир жону тан, бир жисму жон.

Инқилоб тарихин Октябрь улуғ номи билан,  
Зар суви-ла ёзди юз минглаб китобларга замон.

У Россия тупроғида анча йиллар илгари,  
Қанча серҳосил еру бўлган билан бир қанча кон —

Қотилу золим ҳукумат чангалида ҳаммаси  
Қул эди, кучсиз эди бечора эрди нотавон.

Ҳеч қачон у хил ҳукуматни замона хоҳламас,  
Кўрмагай энди у хил золимни ҳаргиз бу жаҳон,

Золим оқ подшо ҳукумат тахти узра қўнқайиб,  
Жамият чеккан азобдан эрди масту шодмон.

Косаси ичра етимлар кўз ёши — сув ўрнида,  
Нотавонлар қони — дастурхонида бўлганди нон.

Ишчиларда қолмади оҳдан бўлак ҳеч парсаси,  
Чорасиз деҳқон фақат айлар эди оҳу фиғон.

Кўп юрак қонга тўлиб номардлар озори билан,  
Беҳисоб: у зулмлардан келди халқ оғзига жон.

Оҳу, воҳу қонли кўз ёш бирла аччиқ ноладан  
Тўхтамай ёғди булут, селлар оқиб бўлди равон.

Авж олиб қаҳру ғазаб душмандан ўч олмоқ учун,  
Бўлди тайёр қўзғалишга беҳисоб кўп қаҳрамон.

У Россия тупроғида халқдаги қаҳру ғазаб  
Инқилобнинг суратида бош кўтарди ногаҳон.

Инқилоб тўфони кўрсатди уфқда мавжини,  
Шу уфқ қонидан олди ранг ўзига арғувон.

Инқилоб раҳбарлигига халқ учун даркор эди  
Бир улуг марду баҳодир халқпарвар қаҳрамон.

Мард шундай мардки, темир интизомли, пок дил,  
Зийрагу тадбирли, донишманду одил, меҳрибон.

У жасур мард инқилобчи оқилу ҳушёр ҳам,  
Унда бўлса зўр ирода ҳам фидокор жонажон.

Бу баҳодир ким эди — номи улуг Ленин эди,  
У Россия инқилоб майдонида бўлди аён.

У ирода нуридир ҳам инқилоб тимсолидир,  
Фикрида юз инқилоб бор — маслаги янги замон.

Мингу тўққиз юзу ўн еттинчи йилда подшо  
Туб томирдан емирилиб кул парча бўлди беомон.

Кетма-кет мағлубиятга учраган у тахту бахт,  
Ер билан яксон бўлиб, йўқ бўлди беному нишон.

Тун ярим эрди у дам еттинчи ноябрь эди,  
Оддий мард деҳқон уйида нур кўрди осмон.

Пастдан баландга чиқди шунда адолатнинг қўли,  
Ҳам саодат юлдузи нур сочди, кўрди бул жаҳон.

Эл томон яққол узатди тез юриб Ленин қўлин,  
Ҳамма меҳнаткашни озод этгали бўлди равон.

Тик кўтарди инқилобнинг шонли зўр байроғини,  
Бир қизил юлдуз чарақлар бошида офтобсимон.

У қасос олмоқ учун бир жону тан дўстлар билан,  
Жам адолат ханжари, қўлда яроғлар беомон.

Халқу юртларни таловчи ўғриларни парчалаб,  
Қону туфроққа қориштирди-ю қилди бенишон

У Россия тупроғида анча йиллар илгари,  
Қанча серҳосил еру бўлган билан бир қанча кон —

Қотилу золим ҳукумат чангалида ҳаммаси  
Кул эди, кучсиз эди бечора эрди нотавон.

Ҳеч қачон у хил ҳукуматни замона хоҳламас,  
Кўрмагай энди у хил золимни ҳаргиз бу жаҳон,

Золим оқ подшо ҳукумат тахти узра қўнқайиб,  
Жамият чеккан азобдан эрди масту шодмон.

Косаси ичра етимлар кўз ёши — сув ўрнида,  
Нотавонлар қони — дастурхонида бўлганди пон.

Ишчиларда қолмади оҳдан бўлак ҳеч нарсаси,  
Чорасиз деҳқон фақат айлар эди оҳу фиғон.

Кўп юрак қонга тўлиб номардлар озори билан,  
Беҳисоб: у зулмлардан келди халқ оғзига жон.

Оҳу, воҳу қонли кўз ёш бирла аччиқ ноладан  
Тўхтамай ёғди булут, селлар оқиб бўлди равон.

Авж олиб қаҳру ғазаб душмандан ўч олмоқ учун,  
Бўлди тайёр қўзғалишга беҳисоб кўп қаҳрамон.

У Россия тупроғида халқдаги қаҳру ғазаб  
Инқилобнинг суратида бош кўтарди ногаҳон.

Инқилоб тўфони кўрсатди уфқда мавжини,  
Шу уфқ қонидан олди ранг ўзига арғувон.

Инқилоб раҳбарлигига халқ учун даркор эди  
Бир улуғ марду баҳодир халқпарвар қаҳрамон.

Мард шундай мардки, темир интизомли, пок дил,  
Зийрагу тадбирли, донишманду одил, меҳрибон.

У жасур мард инқилобчи оқилу ҳушёр ҳам,  
Унда бўлса зўр ирода ҳам фидокор жонажон.

Бу баҳодир ким эди — номи улуғ Ленин эди,  
У Россия инқилоб майдонида бўлди аён.

У ирода нуридир ҳам инқилоб тимсолидир,  
Фикрида юз инқилоб бор — маслаги янги замон.

Мингу тўққиз юзу ўн еттинчи йилда подшо  
Туб томирдан емирилиб кул парча бўлди беомон.

Кетма-кет мағлубиятга учраган у тахту бахт,  
Ер билан яксон бўлиб, йўқ бўлди беному нишон.

Тун ярим эрди у дам еттинчи ноябрь эди,  
Оддий мард деҳқон уйида нур кўрди осмон.

Пастдан баландга чиқди шунда адолатнинг қўли,  
Ҳам саодат юлдузи нур сочди, кўрди бул жаҳон.

Эл томон яққол узатди тез юриб Ленин қўлин,  
Ҳамма меҳнаткашни озод этгали бўлди равон.

Тик кўтарди инқилобнинг шонли зўр байроғини,  
Бир қизил юлдуз чарақлар бошида офтобсимон.

У қасос олмоқ учун бир жону тан дўстлар билан,  
Жам адолат ханжари, қўлда яроғлар беомон.

Халқу юртларни таловчи ўғриларни парчалаб,  
Қону туфроққа қориштирди-ю қилди бенишон

Эски у зўрлик биноси ерга тушди емрилиб,  
Зўравонлар даври ўтди, келди бир янги замон.

Жумла меҳнаткаш ҳаётининг асоси янгича,  
Ўтди дунёдан ёмонларнинг йўли, расми шу он.

Қад кўтарди тенглигу, эрку адолат байроғи,  
Ер минг айланганда ҳам у барқарор, кўрмас зиён.

Бўлди пайдо бул Советлар Иттифоқи номида  
Янги бир дунё-ю қудрат, топди халқ ҳурлик замон.

Ишчи деҳқон бирлашиб бу янги турмуш йўлида,  
Ёшу кекса, эр-аёллар бўлдилар бир жисму жон.

Йўлда мақсад бир, шунинг-чун тенг курашди ҳамма ха  
Ёш Россия бахтини сақлаш эди мақсад шу он.

Инқилобнинг ёш ниҳоли ёзди япроқ яшнади,  
Илму урфон илдизидир, шохи қудратдан нишон.

Баҳрали, сермевадир ушбу дарахтнинг ҳосили:  
Элга озодлик, адолат, тинчлигу дориламон!

Ул саҳий боғбон муродин жилвасидан яшнади  
Ишчиларнинг ўлкаси гулзор бўлди беҳазон.

Гул ниҳолин яшнаши тадбирли боғбон бирладир,  
Тоза яшнаб топса равнақ, шод доно боғбон!

Янгилик ижод этишда катта суръатлар билан  
Кўплардан ўтди бу санъат йўлида бегумон.

Бўлди оз муддатда барпо қанча кўп бунёдлар,  
Оғиру енгил саноатлар, очилди қанча кон.

У саноатлар билан эркин экинзорлараро,  
Шу улўғ халқ ишлашур ёшу қарилар қадрдон.

Ўзбегу тожик, татар, туркман бутун қўл ушлашиб,  
Бир-бирига қадрдону меҳрибону жонажон.

Русу арман ҳам қозоқ, қирғиз ажойиб ёру дўст,  
Бу қизил байроқ тагида ҳамма қардон навқирон.

Халқлар мазҳаб, насаблар жанжалидан покдир,  
Чин ого бирлан инилар бир-бирига меҳрибон.

Паҳлавон хушёр бу халқлар доимо тинчлик севар,  
Ур-йиқитлар оламида ташқари, тинчу омон.

У разил золим ситамгар ниятидан беҳабар.  
Гофил эрди ёвнинг макру ҳийласидан — ногихон —

Бесабаб зулму тааддилар билан ул кун бироқ,  
Ғарбдан келган фашист солдатлари кўн тўкди қон.

Бу уруш майдонида қўрқинчли аҳволлар бўлиб,  
Ҳодисотлар қилди пайдо ваҳший йиртқишлар ёмон.

Кўрмаган тарих кўзи бу хилда қаттиқ фожа,  
Кўрмаган бу хилда даҳшатли ҳаводисни жаҳон.

Қанча юз минг ишчи деҳқонлар уйи вайрон бўлиб,  
Кулга айланди фашистларнинг ўтидан беомон.

Зўр адоват тиглари халқ жонига берди азоб,  
Жабр оти янчи гўдаклар жисмини, гарқ этди қон.

Бу қизил аскар Сталин шаҳрининг атрофида,  
Кўп ғазабли шер каби ёвга ҳужум қилди чунон,

Бир сиқишда парча-парча қилди душман тўдасин,  
Узди бир-тортишда тартибни, танобин шул замон.

Зарбидан енгилди у сонсиз фашист солдатлари  
Қочди жанговарлар олдидан қуён қочгансимон.

У қумурсқа сингари қочди уруш майдонидан,  
Қувди у ғолиб қизил аскар музаффар қаҳрамон.

Қанча йил қасд этди, аммо тор-мор бўлди фашист,  
Фикри шул эрдики: бўлса ер юзига ҳукмрон.

Қаҳрамон ботир қизил аскарлар олдида бу кун  
У фашист солдатлари қад эгдилар худди камон.

Октябрнинг бу йигирма етти йиллик байрами,  
Бизга бу байрам азизу ҳам шараф-шавкат ва шон.

Ўлка бўйлаб бу улуғ байрам-ла тўлган фахримиз,  
Тўлди шодлик ялласин авжига еру осмон.

Э сабо, хушбўй эсиб мендан салому олқишим,  
Доҳий Ленин марқадига<sup>1</sup> тез олиб бор шул замон.

Пойдор бўлсин ҳамиша коммунизм раҳбари,  
Коммунистик партия чиндан қадрдон, меҳрибон.

Шу улуғвор партия раҳбарлигида доимо,  
Бу советлар иттифоқи тинч омону шодмон.

У улуғ халқларни хурсанд этгали боғлаб умид,  
Бу ҳикоямни юбордим, бу кичик бир армуғон!

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон,  
Узр этарман, чунки бўлди қофиям кенгу равон.

---

<sup>1</sup> *Марқада* — мақбара, мавзолей.



## *Коулий*

### СЎЛГАН КУРТАКЛАР

Умид дарахтининг шоҳчаларида  
Гоҳ-гоҳ очиларди қип-қизил гуллар.  
Аммо бизнинг синиқ шоҳларимизда  
Қора сиёҳ каби унар куртаклар.

Кўкда ой кезарди, жимжит кечани —  
Аччиқ совуқ қучиб олганди тамом.  
Бу хаста тупроқнинг бутун вужуди  
Ошноқ қор тагида оларди ором.

Юрар эди мудҳиш ўлим тентираб,  
Бурчак-бурчакларда изғиб мўралаб,  
Қаерда бўлмасин қашшоқ, камбағал  
Тош каби қотганди совуқдан музлаб.

Масжид остонасин тоши устига,  
Фақирлар, етимлар қўйгандилар бош.  
Очликдан, совуқдан бир етим бола  
Дам ётар, дам турар, дам қилар ёнбош.

Оёғин остида турса ҳам манқал,  
Оловдан йўқ эди унда ном-нишон.  
Жавдираб термулган қора кўзлари  
„Оҳ“дан иссиқ нарса топмасди шу он.

Вақт жуда кеч эди, ҳамма уйқуда,  
Бечоралар бир-бир келиб тикилди.  
Масжид остонаси ва ҳужралари  
Сарсон-саргардонлар макони эди.

Ўғлон кўп ахтарди, топмади бўш жой,  
Беватанлар билан тўлганди масжид.  
Бўйралар устида мужганак бўлиб,  
Сиқилиб ётишар шўрликлар жимжит.

Ҳамма кетган, ёпиқ эшик, туйнуклар,  
Шаҳар ухламоқда жимлик қўйнида.  
Ҳамма тарк айлаган бир тош устида  
У ором олмоқчи бўлди бу тунда.

Баланд минорага тушди кўзлари,  
Гўё қидиргандек унда тангрини.  
Ойнинг кўзи тушиб унинг кўзига,  
Кўрди томган ёшин, сариқ рангини.

Юрак қони билан тўлган кўз ёшлар  
Оппоқ қор устига тушарди ҳамон.  
Бу иссиқ томчида кўринар эди:  
Унинг сўнаётган ҳаёти аён.

Соат занги берар ўлим хабарин,  
Ой қулиб боқарди шум жиноятга:  
Жаллод каби аччиқ совуқ олдида  
Ўғлон юз ўгирди абадиятга.

Эртаси топдилар бу остонадан  
Қорайган, музлаган жасадни жонсиз,  
Совуқдан, очликдан ва қашшоқликдан  
Инсоннинг ҳаёти тугаган, эсиз...

Ҳеч киши билмасди унинг номини,  
Кимнинг ўғли эди касби нимади?  
Соқчи олиб кетди, жонсиз танини,  
Унинг учун ҳеч ким кўз ёш тўкмади...

Умид дарахтларининг шохчаларида  
Муқаррар очилар мусаффо гуллар.  
Ҳаётимиз бўлур баҳордек порлоқ,  
Эртаги кун бизга жилмайиб кулар.



Вақт жуда кеч эди, ҳамма уйкуда,  
Бечоралар бир-бир келиб тикилди.  
Масжид остонаси ва ҳужралари  
Сарсон-саргардонлар макони эди.

Ўғлон кўп ахтарди, топмади бўш жой,  
Беватанлар билан тўлганди масжид.  
Бўйралар устида мужғанак бўлиб,  
Сиқилиб ётишар шўрликлар жимжит.

Ҳамма кетган, ёпиқ эшик, туйнуклар,  
Шаҳар ухламоқда жимлик қўйнида.  
Ҳамма тарк айлаган бир тош устида  
У ором олмоқчи бўлди бу тунда.

Баланд минорага тушди кўзлари,  
Гўё қидиргандек унда тангрини.  
Ойнинг кўзи тушиб унинг кўзига,  
Кўрди томган ёшин, сариқ рангини.

Юрак қони билан тўлган кўз ёшлар  
Оппоқ қор устига тушарди ҳамон.  
Бу иссиқ томчида кўринар эди:  
Унинг сўнаётган ҳаёти аён.

Соат занги берар ўлим хабарин,  
Ой кулиб боқарди шум жиноятга:  
Жаллод каби аччиқ совуқ олдида  
Ўғлон юз ўгирди абадиётга.

Эртаси тондилар бу остонадан  
Қорайган, музлаган жасадни жонсиз,  
Совуқдан, очликдан ва қашшоқликдан  
Инсоннинг ҳаёти тугаган, эсиз...

Ҳеч киши билмасди унинг номини,  
Кимнинг ўғли эди касби нимади?  
Соқчи олиб кетди, жонсиз танини,  
Унинг учун ҳеч ким кўз ёш тўкмади...

Умид дарахтларининг шохчаларида  
Муқаррар очилар мусаффо гуллар.  
Ҳаётимиз бўлур баҳордек порлоқ,  
Эртаги кун бизга жилмайиб кулар.





### Омилӣ

#### ЯШАСИН ИШЧИЛАР БИРЛИГИ

Шод яшагил доимий, эй ишчилар,  
Осудадир меҳнатингдан башар.  
Ғайратинг оламини фаровон қилур,  
Ер юзин ободу гулистон қилур.  
Сен иладир дунёнинг ободлиги,  
Роҳати ҳам тинчлиги, эл шодлиги.  
Қасд қилиб ишламасанг бир нафас,  
Ер шарида балки ҳаёт қайнамас.  
Меҳнатинг эл бойлиги ҳам қудрати,  
Ҳимматинг эл давлати ҳам роҳати.  
Қилди ишинг юртни гўзал, элни тўқ,  
Қанча азоб тортасану, фойда йўқ.  
Сенга илож ҳамма дилин бирлиги,  
Минг яшасин, ишчи элин бирлиги!

## ТИНЧЛИК ХАБАРИ

Бас бу сарсонлик, ватандош, уйғону хушёр бўл,  
Ҳеч бўшашма, қўрқма, дўстим, мард бўл, тайёр бўл.  
Тинч омонлик ҳомисига бирлашиб ҳамкор бўл,  
Лекин одамхўр разилга ёв бўл, элга ёр бўл.  
Ер юзидан сен урушни айла беному нишон,  
Фойда йўқ ҳаргиз урушдан, топталур номус-шон.

Арзигаъ тинчлик йўлида бўлса гар минг жон фидо  
Тоабад тинчлик бақосин истар эл оламаро,  
Чунки, тинчлик элга жон бахш айлару завқу сафо,  
Жон қулоғинг-ла эшит тинчлик нидосин доимо:  
„Мен ҳаётга бахш этарман айшу роҳат, шодлик,  
Қайга мен қўйсам қадам, унга келур ободлик!“

Тинч, омонлик бирла мумкин бўлғуси ширин ҳаёт,  
Кимки бундан бошқа тадбир изласа, у бесавод,  
Хору зорлик туғдирур мудҳиш уруш, бўл аҳтиёт,  
Бўлмасин занжир оёғингга бало, изла нажот,  
Маҳв этишдир чораси буткул урушни мутлақо,  
Сидқ ила бел боғласа, мушкул эмас бу муддао!

Халқ учун албатта келтиргай уруш беҳад зарар,  
Қочғали жой топмас ул зор нотаваон қайга борар,



### *Омилӣ*

#### ЯШАСИН ИШЧИЛАР БИРЛИГИ

Шод яшагил доимий, эй ишчилар,  
Осудадир меҳнатингдан башар.  
Ғайратинг оламни фаровон қилур,  
Ер юзин ободу гулистон қилур.  
Сен иладир дунёнинг ободлиги,  
Роҳати ҳам тинчлиги, эл шодлиги.  
Қасд қилиб ишламасанг бир нафас,  
Ер шарида балки ҳаёт қайнамас.  
Меҳнатинг эл бойлиги ҳам қудрати,  
Ҳимматинг эл давлати ҳам роҳати.  
Қилди ишинг юртни гўзал, элни тўқ,  
Қанча азоб тортасану, фойда йўқ.  
Сенга илож ҳамма дилин бирлиги,  
Минг яшасин, ишчи элин бирлиги!

## ТИНЧЛИК ХАБАРИ

Бас бу сарсонлик, ватандош, уйғону ҳушёр бўл,  
Ҳеч бўшашма, қўрқма, дўстим, мард бўл, тайёр бўл.  
Тинч омонлик ҳомисига бирлашиб ҳамкор бўл,  
Лекин одамхўр разилга ёв бўл, элга ёр бўл.  
Ер юзидан сен урушни айла беному нишон,  
Фойда йўқ ҳаргиз урушдан, тоғталур номус-шон.

Арзигай тинчлик йўлида бўлса гар минг жон фидо  
Тоабад тинчлик бақосин истар эл оламаро,  
Чунки, тинчлик элга жон бахш айлару завқу сафо,  
Жон қулоғинг-ла эшит тинчлик нидосин доимо:  
„Мен ҳаётга бахш этарман айшу роҳат, шодлик,  
Қайга мен қўйсам қадам, унга келур ободлик!“

Тинч, омонлик бирла мумкин бўлгуси ширин ҳаёт,  
Кимки бундан бошқа тadbир изласа, у бесавод,  
Хору зорлик туғдирур мудҳиш уруш, бўл эҳтиёт,  
Бўлмасин занжир оёғингга бало, изла нажот,  
Маҳв этишдир чораси буткул урушни мутлақо,  
Сидқ ила бел боғласа, мушкул эмас бу муддао!

Халқ учун албатта келтиргай уруш беҳад зарар,  
Қочгали жой топмас ул зор нотаваон қайга борар,

Кенг қанот ёзса урушнинг бойқуши дунёда гар,  
Ҳар киши ҳам қийналур, давлат кетар, омад кетар,  
Бўлмагай бундан бўлак бир даҳшати оламаро,  
Ҳосилинг бўлғай фақат ташвиш — урушдан доимо.

*На узбекском языке*

**„ПОЭТЫ ИРАНА“**

*Гослитиздат УзССР — 1957 — Ташкент*

Редактор *М. Бобоев*  
Бадий безатувчилар *С. Мальт* ва *Е. Ведцкая*  
Техн. редактор *Я. Пинхасов*  
Корректор *Т. Иброҳимов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 16/X 1957 й. Босишга рухсат этилди 27/XII 1957 й. Формати 70×92<sup>1/32</sup>— 5,25 босма л, 6,14. Шартли босма л, Нашр. л, 3,7. Тиражи 10 000. P08829. Индекс: в/а. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 39—57.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1- босмахонаси, Тошкент, Ҳамза, кучаси, 33. 1957. Заказ № 1411. Баҳоси 3 с. 95 т.